

# الحكم تقود إلى السعادة

الجزء الثاني عشر

تأليف:

أنور أحد

## «Хикматлар – саодатга етаклар»

Ўн иккинчи китоб

Тузувчи ва таржимон:

Анвар Аҳмад

Тошкент:  
2016 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## ТАҚДИМ

Ўзининг илоҳий ҳикмати ила инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа махлукотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни ваҳий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳаким Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳаким Зотнинг энг ҳаким бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳакими, севикли Расулимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган ҳикматлари ададича салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз қўли билан яратиб, унга Ўз хузуридан рух пуфлаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа махлукотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсули эмас. У кўпроқ руҳнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбdir. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ

сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳаким дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналик», «ҳукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Иbn Мурдавайҳ Ibн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қиласиди: «Ҳикмат – ақл, фаҳм ва топқирликдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишидир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишидир».

Ҳакимларнинг кўплари ҳикматга қўйидагича таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишидир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-ҳолатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи қўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳакимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Луқмон Ҳаким ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Луқмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

**«Батаҳқиқ, Биз Луқмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким куфр келтирса, албатта, Аллоҳ**

**Ғаний ва мақтовга сазовор Зотдир»** (Луқмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Луқмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳакимлигини мақташи, айрим ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ келтириши, Қуръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг хузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб қўйган:

**«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиласиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик»** (Бақара сураси, 151-оят).

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўzlари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қиласиганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Ғаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳаким деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермаҳсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини

чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиласидаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр холосасини тақдим қиласди.

Бир ҳакимдан: «Инсон бир неча юз йил умр қўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ха», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳаким: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг холосаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татигулик умр баҳш эта оловчи китоблар ичидаги энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зеро, айрим ҳикматлар бутун бир инсон умрининг холосаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, халқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиш бошқа халқларга қараганда анча юқори даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши англаган устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, [www.arabic.uz](http://www.arabic.uz) сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида мунтазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишлиардан илҳомланган мухтарам таржимонимиз интернет

оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Қўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиши учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбай ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жихоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аrimайдиган энг вафодор дўстдир, сухбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-куватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга маҳсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи халқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан

күрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуидаги интернет сахифаларидан олинганини айтади:

- 1) ثقـف نفسك
- 2) كلام من القلب
- 3) خـذ الحـكـمة
- 4) بـستان الـحـكـماء
- 5) ثـقـافـة حـوـل الـعـالـم
- 6) المـوسـوعـة بـوـك
- 7) ثـقـافـة وـعـلـوم
- 8) حـكـمة الـيـوـم
- 9) طـرـيق الـجـنـة
- 10) أـقوـال أـعـجـبـتـنـي
- 11) كـنـزـ منـ الـحـكـمة
- 12) ذـكـر اللـه
- 13) عـذـبـ الـكـلـام
- 14) عـالـمـ الثـقـافـة وـالـعـرـفـة

Хикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчида таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хулоса шаклида таржима қиласиган ва

қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида хусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Муҳтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жаноблариға оиласвий баҳт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «Хикматлар – саодатга етаклар» "الحكمة - تقويم إلى السعادة" китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришлиарида Ўзи мададкор бўлсин.



2446. Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир қул озод бўлиш учун шартлашилган маблағни топа олмай, Али розияллоҳу анҳудан ёрдам сўради. Шунда у киши: «Сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўргатган калималарни ўргатайми? «Аллоҳуммакфиний биҳалаалика ъан ҳаромик, ва ағниний бифазлика ъамман сиваак» (Аллоҳим, ҳаромсиз, ҳалолинг билан менга кифоя қил. Фазлинг ила Ўзингдан бошқалардан беҳожат қил) деган дуони ўқиб юрсанг, тоғнинг бир тарафича қарзинг бўлса ҳам, халос бўласан», деди.

*И мом Термизий ривояти.*



2447. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай дедилар:

**«Мана шу бешта жониворнинг ҳаммаси фосиқдир, улар ҳарамда ҳам, ҳарамдан ташқарида ҳам ўлдирилаверади: қарға, қузғун, сичқон, чаён ва қутурган ит».**

Имом Муслим ривояти.

**Изоҳ:** «Фосиқ» сўзинг луғавий маъноси «чегарадан чиққан», «ҳаддан ошган» деган маънони англатади. Ушбу ривоятда номи зикр қилинган ҳайвонлар доимий равишда зааркунандалик қиласиган ҳайвонлардир. Ана шу зааридан сақланиш мақсадида улар ҳарамда ҳам, ҳарамдан ташқарида ҳам, эхромда ҳам, эхромда бўлмаган пайтда ҳам ўлдиришга рухсат берилган.



2448. Агар «Деворнинг ҳам қулоғи бор» деган жумлани «Ҳар бир айтилган сўзни ёзиб оладиган фаришталарнинг қалами бор» деган жумлага алмаштирасак эди, гуноҳ қилишдан қўрқадиган, фақат Роббидан умид қиласиган авлод этишиб чиққан бўлур эди.



2449. Уламолар айтадилар:

«Агар аёл кишида дин, гўзаллик, мол-дунё ва наслу-насаб мужассам бўлса, 1000 рақамига баробар бўлади:

«Дин = 1

Гўзаллик = 0

Мол-дунё = 0

Наслу-насаб = 0

Демак, аёл киши динсиз бўлса, 000 га тенг бўлиб, қийматсиз экани маълум бўлади.



2450. Одамлар орасида хиёнат кенг тарқалган пайтда ҳам ҳар кимга ишонавериш ожизлиkdir.  
«Унванул байан» китобидан.



2451. Валид ибн Валид розияллоҳу анху Набий соллаллоҳу алайхи васалламга: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен

қўрқяпман», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Тўшагингга ётганингда «Аъузу бикалимаатиллааҳиттаамма мин ғозобиҳи ва ъикобиҳи ва шарри ъибаадиҳи ва мин ҳамазатиши шайаатийни ва ан йаҳзурууни» (Аллоҳнинг мукаммал қалималари билан Унинг газабидан, азобидан, бандаларининг ёмонлигидан, шайтон васваса қилиб, менинг ҳузуримда ҳозир бўлишидан паноҳ тилайман) дегин. Шунда сенга ҳеч нарса зарар бермайди ва яқинлашмайди», дедилар.

*Ибн Сунний ривояти.*



2452. Хавф-хатарнинг қаердалигини билмаган одамнинг ўзи хатарли жойга айланиб қолади.



2453. Насихат:

«Биронинг уйига кирганда кўзинг кўр бўлсин,  
чиққанингда тилинг соқов бўлсин.



2454. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай дедилар:

«Узун соchlарини тараб олган бир киши бир ҳуллани кийиб олиб, ўзига бино қўйиб, такаббурлик билан кетаётган эди. Бирдан Аллоҳ уни ерга юттириб юборди. Энди (ер) уни Қиёмат кунигача кўмиб бораверади».

*И мом Бухорий ривояти.*



2455. Донолар айтади:

Ўз нафсидан рози бўлган одам инсонларнинг ғазабига учрайди».

«Унванул байан» китобидан.



2456. Баро ибн Озиб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдилариға бир киши келиб, безовталиқдан шикоят қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Субҳаанال ماليک қуддуус، Роббیل малааикати вар-руух، жаллалтас-самаваати вал ардо бил ъиззати вал жабаруут» (фаришталарнинг ва Жаброил алайҳиссаломнинг Робби ва Қуддус, Малик сифатли Аллоҳни поклаб ёд этурман. Еру осмонларни иззатинг ва жабарут сифатинг ила улуғладинг) деб кўп айтгин», дедилар.

*Ибн Сунний ривояти.*



د أحمد عيسى المعصراوي

كم من مشهور في الأرض مجهول في السماء!

وكم من مجهول في الأرض معروف في السماء!

المعيار التقوى وليس الأقوى .  
إن أكرمكم عند الله أتقاكم .

2457. Қанчадан-қанча ерда машхур кимсалар борки, осмонда эса номаълум. Қанчадан-қанча ерда номаълум зотлар борки, осмонда эса машҳурдир. Демак, меъёр ва мезон тақводадир, кучда эмас!

**«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлигинги – энг тақводорингиздир» (Хужсурот сураси, 13-оят).**



2458. Имом Шофеъий айтдилар:

«Ким Куръонни ўрганса, қадру-қиммати ошади.

Ким фикҳни ўрганса, шаъни юксалади.

Ким ҳадисни ёзиб олса, хужжати кучаяди.

Ким ҳисобни ўрганса, фикри равонлашади.

Ким араб тилини ўрганса, табиати мулойимлашади.

Ким ўз нафсини (шаҳват ва гуноҳлардан) эҳтиёт қилмаса, амали наф бермайди.



2459. Ҳақиқий йўқотиш – истиқомат чегарасидан чиқиб (яъни тўгри йўлдан оғиб), Роббингдан узоқлашиб, дунёга ғарқ бўлиб, пок билан нопокни ажрата олмай, мақсадсиз ҳаёт кечирмоқдир.



2460. Аҳнаф айтди: «Ўзига зулм қилган киши ўзгаларга бундан-да золимроқ бўлади. Динини яксон қилган киши шарафини ундан-да ортикроқ яксон этувчи бўлади».

«Унванул байан» китобидан.



2461. «Агар сизларни шайтон томонидан бирор васваса йўлдан оздирса, Аллоҳдан панох сўранглар. Албатта, У эшитувчи ва билувчи Зотдир» (*Аъроф сураси, 200-оят*). Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шайтон бирортангизга яқин келиб, «Уни ким яратган?» «Буни ким яратган?» деб саволга тутади, ниҳоят, «Роббингни ким яратган?» дейишгача боради. Ана шунда ўша одам Аллоҳдан паноҳ сўрасин ва (калласига келган хаёлларга, фикрларга) барҳам берсин», дедилар.

*Имом Бухорий ва Муслим ривояти.*



2462. Шайтоннинг инсонга қўядиган энг биринчи тузоги унинг тилини зикрдан тўхтатишидир. Агар тил боғлаб, чеклаб қўйилса, инсон танасининг асосий қисмлари шайтонга таслим бўлади.

**«Уларни шайтон эгаллаб олиб, уларга Аллоҳни эслашни унугтириди» (Мужсадала сураси, 19-оят)**

## من عجائب عقل الملحد أنه يؤمن



و لا عزاء للعقل !!

2463. Даҳрий ақлнинг ажойиботларидан:

«Даҳрий одам мана бу расмдаги вертолёт ва қўғирчоқни ясаган муҳандис борлигига ишониб, иймон келтиради, лекин мана бу ҳашаротни ва қизалоқни «Тасодифан яралиб қолган», дейди.

Ақлга таъзия айтиш йўқ. Агар таъзия айтиш бўлганида, даҳрийларнинг ақлига таъзия йўллаган бўлар эдик...



2464. Магистратура талабалардан бири маъруза охирида менга: «Доктор! Дарсдаги маърузангизни эшигтан пайтимизда уни тушунамиз ва кейинги дарсингизни интизорлик билан қутамиз. Лекин уйга қайтиб, дарсликларни ўқисак, сиз маъруза қилган пайтдагичалик фойда ва руҳиятни топмаймиз» деди. Мен унга: «Асалари асални нимадан олади?» дедим. У: «Гуллар ширасидан», деди. Мен: «Агар сен ўша гулларнинг бирортасидан есанг, таъми қандай бўлади?» дедим. У: «Аччиқ бўлади», деди. Шунда мен: «Устознинг вазифаси мана шудир. Устозлар аччиқ гуллардан ширин ва фойдали асал чиқариш учун миллионлаб гуллар узра айланиб, сўнг талабалар олдига тўплаган шираларининг хулосасини қўйишиади», дедим.

*Доктор Ёсир Дарвиш.*



2465. Мол-дунёни ўз ўрнида сарфла, уни ўзингдан бошқалар учун тўплаб юрма.

*«Унванул байан» китобидан.*



2466. Саҳих ривоятда шундай дейилган: «**Инсонлар ҳадеб савол беравериб, ниҳоят: «Бутун махлукотни Аллоҳ яратган. Унда Аллоҳнинг Ўзини ким яратди?»** дейишгача боришади. Кимнинг қалбида шу савол пайдо бўлса, «**Ааманту биллааҳи ва русулиҳи**» (*Аллоҳга ва Унинг расулларига иймон келтирдим*), деб айтсин».

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Кимнинг хаёлига васвасали фикр келса, уч марта «Ааманнаа биллааҳи ва биросуулиҳ», десин. Шу дуони айтса, васваса ундан кетади**», дедилар.

*Ибн Сунний ривояти.*

Усмон ибн Абул Осий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, шайтон менинг намозим билан қироатимга халақит қилиб, чалкаштириб юборяпти», дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ха, бу – «хинзаб» деган шайтондир. Унинг келганини сезсанг, Аллоҳ номи ила ундан паноҳ тилаб, чап томонингга уч**

**марта туфлаб қўй», дедилар. Мен у зотнинг айтганларини қилган эдим, Аллоҳ таоло мендан уни кетказди».**

*Имом Муслим ривояти.*

Абу Зумайл розияллоху анҳу айтадилар:

«Ибн Аббос розияллоху анҳуга: «Кўнглимда алланималарни сезяпман», дедим. У зот: «Нима экан у?» дедилар. «Аллоҳга қасамки, уни ҳеч кимга айтмайман», дедим. У зот: «Бирор шак-шубҳа бўляптими?» деб кулдилар. Сўнг: «Бирор киши шак-шубҳадан омонда бўлмаган. Ҳатто Аллоҳ таоло: «Агар Биз сизга нозил қилган нарсага шубҳада бўлсангиз...» деган оятни нозил қилган (*Юнус сураси, 94-оят*). Кўнглингга нимадир келса, «Хувал аввалу вал аахиру ваз-зоҳиру вал баатину ва ҳува бикулли шай`ин ъалийм» (*У Зот аввал ва охирдир, У Зот зоҳир ва ботиндир. У Зот ҳар бир нарсани билувчи*) дегин», дедилар».

*Абу Довуд ривояти.*

Устоз Абулқосим Кушайрийнинг рисолаларида Аҳмад ибн Ато Рузборийдан шундай ривоят келтирилган: У киши айтадилар: «Таҳорат қилганимда сувни кўп ишлатиб юборгандай бўлдим, ичимда ғашлик пайдо бўлди. Кейин: «Роббим, афв эт, афв эт», дедим. Шунда: «Афв илмдадир», деган нидо эшитилди. Сўнгра мендан ҳалиги ғашлик кетди».

Баъзи уламолар: «Намоз, таҳорат ва шунга ўхшаш нарсаларда васвасага тушган кишининг «Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимасини айтиши мустаҳабдир, чунки шайтон бу калимани эшитса, узоқлашади», дейишган.

«Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимаси зикрнинг бошидир. Шунинг учун умматнинг улуғлари, солиҳларнинг тарбиячилари, муридларга одоб берувчилар шу калимани доимо айтиб юришни буюришган.

Сайиид Аҳмад ибн Абуль Ҳаворий айтадилар: «Абу Сулаймон Доронийга бориб, менга васваса оралагани тўғрисида шикоят қилдим. У киши: «Агар сендан васваса

кетишини хоҳласанг, қай вақт бўлса ҳам, хурсанд бўлиб юр, чунки мўминнинг хурсандчилигидан кўра шайтонни ғазаблантирадиган нарса йўқдир», дедилар».

Баъзи уламолар: «Иймони комил киши васваса билан синалади, чунки ўғри ҳеч қачон хароба уйни ўмаришни қасд қилмайди. Шунинг сингари шайтон ҳам иймони заифни эмас, балки иймони комил одамга тажовуз қилади», дейишган.



2467. Осмондаги мана бу кичик нуқтани нима эканини биласизларми? У Марсдан туриб суратга туширилган Ер куррасидир. Американинг НАСА агентлиги зўрга кўринадиган ушбу кичик нуқтани Марс сатҳидан туриб суратга туширган.

Савол туғилади: Агар Қуёш мажмуасидан ёки галактикамиз худудидан ташқарига чиқсан Ер қандай кўринар экан?

Биз яшаб турган Ер курраси тасаввуримиздагидан кўра анча кичик сайёрадир. Ер шундай бўлганидан кейин, ўзингнинг қай даражада кичик эканингни биласанми, эй инсон?


**«Эй инсон, нима сени Улуғ Роббинг борасида («Унга ибодат қиласанг ҳам бўлаверади» деб) алдаб қўйди? Ахир**

**У сени яратиб, сўнг (барча аъзоларингни) тиклаб, сўнг (қоматингни ҳам) расо қилиб қўйган Зот-ку! У сени Ўзи қай суратни хоҳлаган бўлса, шундай таркиб топтириди-ку!» (*Инфитор сураси, 6-8-оятлар*).**

**Изоҳ:** Ушбу оятларда Аллоҳ таоло инсонга ўзининг Ким томонидан яратилиб, бундай ақл-ҳуш, мавзун қомат ва гўзал суратга эга бўлганини уқдирмоқда ва ундан ўзини бошқа барча маҳлуқотлардан афзал қилиб, шу қадар азизу мукаррам қилиб яратган Улуғ Парвардигорига нега қуллик қилмаётгани — ибодат қилмаётганини сўраб, танбех бермоқда. Дарҳақиқат, инсон ўз вужудидаги ҳар бир аъзога ибрат кўзи билан қараса, ундаги мукаммалликни кўриб, Яратганинг буюк кудратига, илм ва ҳикматига қуллуқ килмасдан иложи қолмайди.



2468. Дунё учун гўё абадий яшайдигандек машғул бўл. Охиратинг учун гўё эртага ўладигандек машғул бўл!



2469. Ўзлигимизни янгидан кашф қилишимиз учун гоҳида баъзи йўқотишларга дуч келишимиз фойдали бўлади!



2470. Замон инсонларни овляяпти. Шундай экан мансаб ва мартабалар ақлдан оздириб қўйганлар жумласидан бўлма. Қанчадан-қанча неъматлар озгина тойилиш натижасида йўқ бўлади. Ҳар бир нарсанинг ўзгаришида сабаблар бўлади. «Унванул байан» китобидан.



2471. Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:  
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳасан ва  
 Ҳусайнларга «Уъийзукумаа бикалимаатиллаахит-таамма,  
 мин қулли шайтонин ва ҳаамма, ва мин қулли ъайнин  
 лаамма» (Аллоҳнинг мукаммал қалималари билан ҳар бир  
 шайтондан, зарарли ҳашаротлардан ва ёмон кўздан сизларга  
 паноҳ тилайман) деб дуо ўқиб, паноҳ тилардилар ва: «Бу дуо  
 бобокалонгиз Исмоил ва Исҳоқ алайҳимассаломларнинг  
 паноҳ тилайдиган дуолари эди», деб айтар эдилар.

Имом Бухорий ривояти.



2472. «Ходисани рад қилиш» ва «алоқадорликни рад қилиш» бор түшүнчалари.

Масалан, «Мен ўғриламадим» деган одам ўғриликни рад этган бўлади. Биз буни «ҳодисани рад қилиш», деб атаемиз.

«Менинг ўғрилик қилишим мумкин эмас», деган одам эса ўғрилик қилишга рағбати ҳам, бундай нияти ҳам йўқлигини айтиб, буни батамом рад қилган бўлади. Бу эса алоқадорликни рад қилиш бўлиб, инкор қилишнинг энг юқори даражасидир.

Аллоҳ таоло бу ҳакда: «**Аллоҳ уларга зулм қилмас эди. Лекин улар ўзларига зулм қилар эдилар**» деб, Ўзидан зулм қилиш фикрини рад этмоқда (*Рум сураси, 9-оят*).



كَانَ ابْنُ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ

يَرَى هَذِهِ الْآيَةَ أَرْجَى آيَةً فِي كِتَابِ اللَّهِ:

{وَمَنْ يَعْمَلْ سُوءًا أَوْ يَظْلِمْ نَفْسَهُ

ثُمَّ يَسْتَغْفِرُ اللَّهَ

يَجِدُ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا}

2473. Ибн Масъуд розияллоху анху Аллоҳнинг Китобидаги қуидаги оятни «Энг умидбахш оятлардан бири» дер эдилар:

«Ким бирон ёмон иш қиласа ёки (Аллоҳнинг буйруқларига итоат этмасдан) ўз нафсига жабр қиласа, аммо сўнгра Аллоҳдан мағфират сўраса, Аллоҳнинг Мағфират қилгувчи, Мехрибон эканини кўур» (*Niso surasni, 110-oym*).



2474. Солиҳларнинг биридан: «Дуоси ижобат бўладиган бирор кишини танийсизми?» деб сўрашди. У киши: «Йўқ, танимайман. Лекин дуоларни ижобат қилувчи Зотни танимайман. Сен қалбингни доим махлукка эмас, Холикқа, яъни барча махлуқларнинг Роббига боғлагин», деб жавоб берди.



2475. Аёлларга ўч бўлиш бузуқликларнинг ўзагидир, улар билан хилватда кўп бўлиш эса инсоннинг табиатини ҳам, ақлини ҳам бузувчи фасоддир (бу ерда номаҳрам аёллар

билин араласиб, уларга тегажаклик қилувчи енгилтак кимсалар назарда тутилмоқда).

«Унванул байан» китобидан.



2476. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаларидан бири ривоят қиласидилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг хузуримга кирдилар. Бармоғим яллиғланган эди. Шунда у зот: «Сенда зурайра (**Ҳиндистандан келтирилган ўсимлик**) борми?» деб сўрадилар. Уни бармоғимга қўйиб, шундай дедилар: «Аллоҳумма, мусағғирол кабийр ва муқаббирос-соғиyr! Соғиyr маа бий» (Эй каттани кичик, кичикни катта қилувчи Аллоҳим, мендаги нарсани кичик қил)

*Ибн Сунний ривояти.*



2477. Солиҳлардан бири гўшт пишираётган кишининг олдидан ўтаётиб, йиглаб юборди. Нариги одам: «Нимага йиглаяпсиз? Гўштга эҳтиёжингиз борми?» деб сўради. Солиҳ зот: «Йўқ, лекин одам боласининг (охиратдаги) ҳолига йиглаяпман. Ҳайвон оловга ўлган ҳолида киради, одам боласи эса тирик ҳолда киради», деб жавоб берди.

Роббимиз! Жасадларимиз дўзах оловига бардош қила олмайди, шунингу учун бизларга дўзахни ҳаром қил!

Роббимиз! Жасадларимиз оловга чидай олмайди. Шунинг учун бизларга тақво насиб қил!



2478. Бир кишининг айбингни айтмай, сен билан алоқани узуб, индамай кетиши қабоҳатнинг энг чўққисидир!



2479. Шукр қилиш бор неъматларимизни сақлаб қолади, йўгини эса олиб келади.



2480. Ақлли душман нодон дўстдан яхшироқдир.  
«Унванул байан» китобидан.



2481. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бирор яра-  
чақа ёки жароҳатдан шикоят қилса, кўрсаткич бармоқларини  
ерга қўйиб, сўнгра кўтариб, ушбу дуони ўқир эдилар:

«Бисмиллаахи турбату ардинаа бирийқоти баъзинаа, йушфаа биҳии сақиймуунаа биизни Роббинаа» (Аллоҳнинг исми ила, ерларимизнинг тупроғи билан, баъзиларимизнинг тупуги билан Роббимизнинг изни ила дардларимиз шифо топади)

И мом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва бошқалар ривоят қилишган.



2482. Мана бу ибора мени ҳайратга солди:

«Мол-мулкингни ўзинг билан олиб кета олмайсан, лекин уларни ўзингдан олдин жўнатишинг мумкин.

Садақа ҳақидаги гўзал тушунча!

**عَنْ سَفِيَّاْنَ الثُّوْرَىِ رَحْمَهُ اللَّهُ فَالِ : يُقَالُ :**  
**تَعُوذُوا بِاللَّهِ مِنْ فَتْنَةِ الْعَابِدِ الْجَاهِلِ ، وَفَتْنَةِ**  
**الْعَالَمِ الْفَاجِرِ ، فَإِنْ فَتَنَتْهُمَا فَتْنَةٌ لِكُلِّ مُفْتَوْنٍ**

أَخْلَاقُ النَّعْمَاءِ لِلْأَجْرِيِ (٦٢)

~~~~~  
**قَالَ أَبُو الْقَيْمِ رَحْمَهُ اللَّهُ :**  
**فَإِنَّ النَّاسَ إِنَّمَا يَقْتَدُونَ بِعِلْمَائِهِمْ وَعِبَادِهِمْ؛**  
**فَإِذَا كَانَ الْعُلَمَاءُ فَجْرَةً وَالْعَبَادُ جَهْلَةً عَمِّتْ**  
**الْمُصِيبَةُ بِهِمَا وَعَظَمَتِ الْفَتْنَةُ عَلَىِ الْخَاصَّةِ وَالْعَامَّةِ**

مفتاح دار السعادة لابن القيم (١١٦٠)

2483. Суфён Саврий роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

«Жоҳил обиднинг, фожир олимнинг фитнасидан паноҳ сўранглар, чунки бу иккисининг фитнаси бошқа барча кишилар учун фитнадир. Зеро, одамлар уламога ва обидларга эргашадилар. Агар уламолар фожир, обидлар жоҳил бўлса, мусибат оммалашиб, унинг фитнасидан хосу омга катта зарар етади.



2484. Ўзимга ва дўстларимга ҳар ойда камида бир марта Қуръонни хатм қилишни васият қиласман. Агар бундан зиёда қилсак, ўзимиз учун янада яхши.

Машғулот ва муаммоларингиз ҳар қанча кўп бўлмасин, Аллоҳ таолонинг Китоби билан сухбат қуришдан маҳрум бўлган киши ҳақиқий бебахра қолган кимсадир.

Солиҳ салафлардан бири шундай деган экан: «Қуръондан қанча кўп пора (жузъ) ўқиганим сари вақтимга барака кириб бораверди. Қуръон ўқиши кўпайтиравердим, ҳатто бир кунда ўн жузъ ўқийдиган бўлдим. Вақтида барака топа олмаётганларга Қуръондан кўпроқ ўқиши тавсия қиласман».

Иброҳим ибн Абдулвоҳид ал-Мақдисий илм талабига чиқмоқчи бўлган шогирди Зиё Ал-Мақдисийга шундай васият қилди:

«Қуръонни кўп тиловат қил ва бу амални ҳеч тарк этма, чунки Қуръонни қанча тиловат қилсанг, шунча илмга етишасан».

Кейинчалик Зиё шундай деди: «Мен буни ўз кўзим билан кўрдим, кўп тажрибадан ўтказдим. Қуръонни кўп ўқиганим сари кўпроқ ҳадис эшитиш ва кўпроқ ёзишга мусассар бўлардим, Қуръон ўқимаган кунларимда эса ўша амалларга эриша олмас эдим».

*Ибн Ражабнинг «Зайлу табақот ал-Ҳанобила»  
китобидан.*



2485. Дўсти қўллаб-қувватлаган одамнинг душмани хор бўлади.

«Унванул байан» китобидан.



2486. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам аҳлларидан баъзиларига ўнг қўлларини суртиб, паноҳ тилаб, қуйидаги

дуони ўқирдилар: «Аллоҳумма, Роббан-наас! Азхи бил ба`са, ишфи, анташ-Шаафий! Лаа шифаа-а иллаа шифаа-уک. Шифаа-ан лаа йуғодиру сақома» (*Аллоҳим, эй инсонларнинг Робби! Қийинчиликларни кетказ, шифо бер, Сен шифо берувчисан. Сенинг шифоингдан бошқа шифо йўқ. Бирорта касаллик қолдирмайдиган шифо бер!*)

*И мом Бухорий ва Муслим ривояти.*

Бошқа ривоятда: «Эй инсонларнинг Робби, касалликни кетказ! Шифо Сенинг қўлингда, Сендан бошқа уни очувчи йўқ», дейилган.



2487. Сенга озор берадиган нарсадан четда бўл. Ўзинг учун шундай солих бир дўст танлагинки, бундай дўст камдан-кам учрайдиган бўлсин. Ишингни Аллоҳдан кўрқадиганлар билан маслаҳат қил!

*Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху*



2488. Бирор йўлнинг бошида бўлсанг, ноумид бўлиш айбидир. Йўлнинг ўртасида бўлсанг, ортга қайтиш айбидир. Йўлнинг нихоясига етган бўлсанг, уни охирига етказиб, мукаммал қилмаслик айбидир.



2489. Ҳозирги олимлар ёлғонни фош этувчи жиҳоз ихтиро қилиш мақсадида бир неча тажрибаларни амалга оширишди. Ушбу тадқиқотлардан қуйидаги натижа келиб чиқди:

Инсондаги ёлғон учун масъул бўлган ўрин миянинг олд томони экан. У инглиз тилида «prefrontal lobe», арабчада «кан-наасия» деб номланади. Хато содир бўлганда ҳам ана шу «кан-наасия», яъни миянинг олд қисми сезиларли даражада фаоллашар экан.

Демак, ёлғон ва хатолар «кан-наасия» ўрнида юзага келади. Қуръони Карим ушбу аъзонинг вазифасини бундан 14 аср олдин хабар берган.

Аллоҳ таоло Алак сурасининг 15-16-оятларида Абу Жаҳлни васф қилиб, шундай дейди: «**Йўқ! Қасамки, агар у** (бундай гумроҳликдан) **тўхтамаса, Биз унинг пешона сочидан — ўша ёлғончи, адашган пешона сочидан албатта тутармиз** (ва жаҳаннамга отурмиз)!».

Субҳааналлоҳ!



2490. Қуш қандай учиб, ҳаволарга кўтарилиган бўлса, худди шундай ерга қўнади.

**«Унванул байан» китобидан.**



2491. Усмон ибн Абул Осий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У киши касал бўлиб қолиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шикоят қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига: «**Оғриётган ерингга қўлингни қўйиб, «Бисмиллаах»ни уч марта айтиб, етти марта «Аъуузу биъиззатиллааҳи ва құдротиҳи мин шарри маа ажиду ва үҳазири»** (Аллоҳнинг иззати ва құдрати ила ўзимдаги мен ҳазар қиласиган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ тилайман) дегин», дедилар.

*Имом Муслим ривояти*

Саъд ибн Абу Вакқос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам касаллигимда мени кўргани кириб, шундай дедилар: «**Аллоҳумма, ишфи Саъдан! Аллоҳумма, ишфи Саъдан! Аллоҳумма, ишфи Саъдан!**» (Аллоҳим, Саъдга шифо бер).

*Имом Муслим ривояти.*


**Изоҳ:** Демак, bemorни кўргани кирганда унинг исмини айтиб, дуо қилинар экан.



2492. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Илмнинг кўтарилиши, жаҳолатнинг қарор топиши, хамрнинг ичилиши ва зинонинг авж олиши Киёматнинг аломатлариданdir», дедилар».

*Муттафақун алаих (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).*



2493. Аллоҳга ризқ илинжида ибодат қилма, Аллоҳга мансаб илинжида ибодат қилма, Аллоҳга дунёдаги насибанг илинжида ибодат қилма! Аллоҳга шундай ибодат қилгинки, бу ибодат сени У Зотнинг розилиги томон олиб борсин. Сенинг ғоянг Аллоҳнинг розилиги бўлсин, шунда унинг ортидан барча истаган нарсаларинг ҳозир бўлади.

*Шайх Шаъровий роҳимаҳуллонинг сўзларидан.*



2494. Кунларнинг бирида баъзи кимсалар имом Шофеъийнинг хузурларига келиб, у кишидан Аллоҳ азза ва жалланинг борлигига битта далил айтишни сўрашди. У киши бироз ўйга чўмиб, сўнгра: «Аллоҳнинг борлигига тутнинг барги далилдир», дедилар. Одамлар бу жавобдан таажжубга тушиб, «Қандай қилиб тутнинг барги Аллоҳнинг борлигига далил бўлади?» дейишди. Имом шундай дедилар: «Тут баргининг таъми бир хил. Лекин уни ипак қурти еса, ипак чиқади. Асалари еса, асал чиқади. Кийик еса, хушбўй мушку анбар чиқади. Ахир бу нарсаларнинг аслини бир, чиқишини ҳар хил қилган ким? Аниқки, унинг яратувчиси ушбу улкан коинотни яратган Аллоҳ таолодир!»



2495. Оқил билан ҳам ҳамсұхбат бўлиш – эмланиш, жоҳил билан келишувга бориш эса шармандалиқдир.  
 «Унванул байан» китобидан.



2496. Ибн Аббос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:  
 «Расууллоро соллаллоҳу алайҳи вассаллам шундай дедилар: «Ким касал қўргани борса, агар bemornining ажали

етмаган бўлса, унинг ҳузурида етти марта: «Ас`алуллоҳал ъазийм, Роббал ъаршил ъазийм ан йашфийака» деса, Аллоҳ таоло уни касалидан халос қилади» (Улуг Аллоҳдан, буюк арининг Роббидан сенга шифо беринини сўрайман).

*Абу Довуд ва Термизий ривояти.*

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бу киши Собит розияллоҳу анҳуга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дам солиб ўқийдиган дуолар билан дам солайми?» деб, куйидагиларни айтдилар: «Аллоҳумма, Роббан-наас, музҳибал ба`с! Ишфи, анта Шаафий, лаа шаафия иллаа анта, шифаа`ан лаа йуғодиру сақома» (Аллоҳим, эй инсонларнинг Робби, қийинчиликларни кетказувчи! Шифо бер, Шифо берувчи Ўзингсан! Сенинг шифоингдан бошқа шифо йўқ, бирорта касаллик қолдирмайдиган шифо бер!)

*Имом Бухорий ривояти.*



2497. Солихлардан бири шундай деди: «Ким бойлар билан бирга ўтиrsa, Аллоҳ уни дунё ва ундаги нарсаларга қизиқадиган қилиб қўяди. Ким камбағаллар билан бирга

ўтирса, Аллохнинг берганига яна ҳам рози бўладиган қилиб қўяди».



2498. Бир киши Абу Дардога: «Менга насиҳат қилинг», деди. У зот: «Барча сирлар, яширин нарсалар ошкор бўладиган Кунни унутма», дедилар.



2499. Муросасоз ва кўнгли очик кимсалар кўп нарсага бепарво бўладилар, кўп нарсага кўз юмадилар, кўп марта кечирадилар, лекин жўнаб кетсалар, асло ортга қайтмайдилар!



2500. Ёмонлик қилишга бўлган қувватинг яхшилик қилишга бўлган қувватингдан кучли бўлмасин. Бахилликка интилишинг саховатга интилишингдан тез бўлмасин.  
 «Унванул байан» китобидан.




2501. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бир киши bemornining ziёратiga келса,

«Аллоҳумма, ишфи ъабдака йанқау лака ъадувван ав йамший лака илаа солаатин» (Аллоҳим, душманингга зарба берувчи ёки Сен учун намозга борувчи бандангга шифо бер) десин.

*Абу Довуд ривояти.*



2502. Бир киши гуноҳлари кўплигидан умидсизликка тушиб, бир шайхнинг олдига келди ва ундан: «Улкан гуноҳларим бўлса ҳам Роббим тавбамни қабул қиласими?» деб сўради. Шайх шундай деди: «Шўринг курсин! У Зот орқа ўгириб кетганларни (тавба қилишга) чорлайди-ю, тавбага юзланганларнинг тавбасини қабул этмасинми? Аллоҳга қайтишда, У Зотга тавба қилишда иккиланма, гарчи гуноҳларинг маълум даражага етган бўлса ҳам! Ноумид бўлишдан сақлан, чунки ноумидлик шайтондандир. Ахир Аллоҳ таоло: «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом, турли гуноҳ-маъсиятлар қилиб) ўз жонларига жиноят қилган

бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлманглар! Аллоҳ (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта, У Зот Фоғурдир, Роҳиймдир!» деган-ку?!» (Зумар сураси, 53-оят)



2503. Анас ибн Молик розияллоху анҳу айтади:  
«Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Набийси, қиёмат куни кофир юз тубан ҳашр қилинадими?» деди. У зот: «**Уни дунёда икки оёғида юргизган Зот қиёмат куни уни юз тубан юргизишга қодир эмасми?**» дедилар».

*Муттафақун алаих (Имом Бухорий ва Муслим ривояти)*



2504. Ушбу бенихоя гўзал сўзлар хақида ҳарфма-ҳарф фикр юритинг:

«Аллоҳ бандага ато қилган тухфанинг энг чўққиси баҳт-саодат эмас. Зеро, баҳт-саодат вақтинча ато этилган хис-туйғу бўлиб, завол топиши мумкин.

Аллоҳ бандага ато қилган тухфаларнинг энг чўққиси (қазои-қадарга) розилик туйғусини тортиқ қилишидир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Яқинда Роббинг сенга ато қилади ва сен баҳтли бўлурсан», демади, балки **«Яқинда Роббинг сенга ато қилади ва сен рози бўлурсан»**, деди (Зуҳо сураси, 5-оят).

Аллоҳ барчамизнинг қалбимизга розилик ато этсин.

Аллоҳим! Бизга қазои-қадарнинг энг гўзалини, баҳтнинг энг мукаммалини, ишларни енгилини, тушунчаларнинг энг кенгини, дунё ҳожатларини энг енгили ва яхшисини насиб этгин!



2505. Билгилки, нодондан узилиш оқил билан боғланишга тенгдир.  
«Унванул байан» китобидан.



2506. Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади:  
«Касалимдан шикоят қилиб, «Роббим, агар ажалим яқинлашган бўлса, менироҳатлантири! Агар ажалимни кечиктирган бўлсанг, мендан касалликни кўтар. Агар бало

келтирган бўлсанг, менга сабр бер», деяётган эдим, олдимдан Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтиб қолиб, «**Нима дединг?**» деб сўрадилар. Мен айтганларимни тақорладим. У зот оёклари билан мени тутиб, шундай дедилар: «**Йўқ, «Аллоҳумма, ъаафиҳи» ёки «Аллоҳумма, ишфиҳи» (Аллоҳим, оғият бер ёки шифо бер), дегин.**». Ўша кундан кейин ҳеч қачон касал бўлмадим».

*Имом Термизий ривояти.*



د أحمد عيسىي المعاشوی

لَا تُحْتَرِ عَاصِيَا ضُعْفَ أَمَامَ شَهْوَاتِهِ، فَقَدْ  
تَنَامَ مُغْتَرًا بِطَاعَتِكَ بَيْنَمَا يَنَامُ وَدَمْعَهُ عَلَى  
خَدَّهِ نَدَمًا عَلَى مَا فَرَطَ فِي جَنْبِ اللَّهِ فِي قَبْلَهِ  
اللَّهُ وَلَا يَقْبَلُكَ.

2507. Шаҳватлари қаршисида ожиз қолган гуноҳкор кимсага паст назар билан қарама! Эҳтимол сен тоат-ибодатингга мағрур бўлиб ухлаб ётганингда ўша гуноҳкор кимса Аллоҳ олдидағи ҳақларини адо эта олмаганига пушаймон бўлиб, кўз ёши билан ухлаган бўлиши, Аллоҳ таоло эса унинг тавбасини қабул қилган, сенинг ибодатингни эса қабул қилмаган бўлиши мумкин!



2508. Қуръони каримда чўчқадан бошқа бирор ҳайвоннинг гўшти номи айтилиб ҳаром қилинмаган. «Нима учун бундай, ахир Қуръон нозил бўлган даврда араб диёrlарида чўчқа унча кўп бўлмаган-ку?» деб ҳайрон бўлишимиз мумкин. Лекин бугунги кунда ер юзида энг кўп тарқалган овқат чўчқа гўштидан эканини кўриб, бу ҳайрат йўққа чиқади, Қуръони Каримнинг барча замон ва маконларга хос бўлган оламшумул китоб экани аён бўлади...



2509. Нафснинг розилиги билан хузурлансанг, арзимас нарса ҳам сени бахтиёр қилаверади. Аммо ушбу туйғудан маҳрум бўлсанг, дунё матоларининг энг каттаси ҳам сени бахтиёр қила олмайди.



2510. Шоир деди:

«Йўлиқурман шундай кишига албат,  
Билурман, у адув, ичда адоват.  
Ҳадя қилгум унга қувноқлигимни,  
Қалби салим бўлиб ёнимга қайтсин,  
Ўлсин ичидағи кину адоват».  
«Унванул байан» китобидан.



2511. Абу Саид Худрий ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Кимки «Лаа илааҳа اَللّٰهُوَّكُمْ» (Лаа илааҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Аллоҳ улугдир) деса, Робби уни тасдиқлаб, «Мендан бошқа илоҳ йўқ, Мен улуғман», дейди.**

**Ким «Лаа илааҳа اَللّٰهُوَّكُمْ» (Лаа илааҳа иллаллоҳу вахдаҳу лаа шарийка лаҳ) (Ёлгиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Унинг шериги ҳам йўқ) деса, Робби: «Мендан бошқа илоҳ йўқ, Менинг шеригим ҳам йўқ», дейди.**

**Агар банда: «Лаа илааҳа اَللّٰهُوَّكُمْ» (Лаа илааҳа иллаллоҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамд) (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, мулк ҳам Уникидир, ҳамд ҳам Унгадир) деса, Робби: «Мен илоҳман, мулк Меники, ҳамд ҳам Мен учун», дейди.**

**Агар банда: «Лаа иلااҳا اَللّٰهُوَّكُمْ» (Лаа илааҳа иллаллоҳу ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаاҳ) (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, куч-**

құвват ҳам фақат Аллоҳ биландир) деса, Робби: «Мен илоҳман, күч-құвват ҳам фақат Мен биландир», дейди.

Ким мана шу калималарни касаллигіда айтиб, сүнгра вафот этса, унга дўзах олови тегмайди».

*Имом Термизий ва Ибн Можалар ривояти.*

قال الشافعي رحمه الله :

إِنَّكُمْ لَا تَقْدِرُ أَنْ تَرْضِيَ النَّاسَ كُلَّهُمْ  
فَاصْلُحُ مَا بَيْنَكُمْ وَبَيْنَ اللَّهِ ثُمَّ لَا تَبْالُ  
بِالنَّاسِ



[ توالي التائيس - لابن حجر 168 ]

2512. Имом Шофеъий рохимаҳуллоҳ шундай дедилар: «Одамларнинг барчасини рози қила олмайсан, яхшиси ўзинг билан Аллоҳнинг орасини ислоҳ қилгин-да, одамлар(нинг сўзлари)га эътибор берма».



2513. Солиҳ салафлардан бири шундай деди: «Ражаб ойи шамолга ўхшайди, шаъбон ойи булутга ўхшайди, Рамазон ойи эса ёмғирга ўхшайди. Ким ражаб ойида экин экмаса, шаъбон ойида суғормаса, Рамазон ойида қандай қилиб ҳосил йиғиб олади?».



2514. Ҳар бир нарсанинг ниҳояси бор. Энг аввал мана шу нарсани англамоғимиз керак!



2515. Неъматни йўққа чиқаришда зулмдан кўра тезроқ нарса йўқ.

«Унванул байан» китобидан



2516. Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули, тобингиз йўқми?» деб сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Ҳа», деган эдилар, Жаброил алайҳиссалом: «Бисмиллаахи урқийка, мин кулли шай'ин йу'зийка, мин шарри кулли нафсин ав ъайнин ҳасидин, Аллоҳу йашфийка, бисмиллаахи урқийка» (Аллоҳнинг исми ила сизга дам соламан. Ҳар бир азият берувчи нарсадан, ҳар бир нафснинг ёмонлигидан ёки ҳасад қилувчи кўздан Аллоҳ сизга шифо берсин, Аллоҳнинг исми ила сизга дам соламан) дедилар.

*И мом Муслим, Термизий, Насаий, Ибн Можса ривояти.*

[إذا قرأتَ :

الْبِسْمُ اللَّهُ بِكَافٍ عَيْدَةٌ  
فَكُلُّ الْمَخَاوِفِ تَنْبَذُ

[وإذا قرأتَ :

"ادعوني أستجيب لكم"  
فَكُلُّ الْأَحَلامِ تَتَحَدَّدُ!

2517. «Бандасига Аллоҳнинг Ўзи кифоя эмасми?!» оятини ўқисанг, барча хавф-хатар барҳам топади (*Zumar surasi, 36-oyat*)

«Менга дуо қилинглар! Мен уларни мустажоб қилурман» оятини ўқисанг, барча орзулар қайтадан тикланади (*Fofir surasi, 60-oyat*)



2518. Каҳф сурасида келган «раҳмат» сўзи ҳақида бир фикр юритайлик:

«Бу – Роббимнинг раҳматидандир» (98-oyat)

«Роббингиз сизга Ўз раҳматини таратур» (16-oyat).

«Ва Роббинг сермағфират, раҳм-шафқат соҳиби бўлган Зотдир» (58-oyat).

«Бас, Робблари унинг бадалига уларга ундан қўра яхшироғини, аҳли солиҳроқ ва раҳмлироғини беришни ирода қилди» (81-оят).

«Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат ва Ўз тарафимиздан илм ўргатган эдик» (65-оят).

«Бу Аллоҳнинг раҳмати ила бўлди» (82-оят).

«Роббимиз, бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат бергин» (10-оят).

Бу етти раҳмат бир хафтага кифоя қилади...

**Изоҳ:** Жумъа куни Каҳф сурасини ўқисангиз, сурадаги мазкур етти раҳмат Сизга кейинги жумъа кунигача кифоя қилади.



حينما كُننا نفهم الإسلام على حقيقته  
خرج منا العلماء العظام أمثال ابن سينا  
في الطب ، و ابن رشد في الفلسفة ، و  
ابن الهيثم في الرياضيات ، و حابر ابن  
حيان في الكيمياء ، و ابن النفيس في  
التشريح ..

و كان الإسلام عطاء و نور أفضناه على  
الدنيا .


د. مصطفى محمود

[facebook.com/Science.Faith](https://facebook.com/Science.Faith)

صفحة الدكتور مصطفى محمود

2519. Исломни ҳақиқий маъносида тушунган пайтимизда тиббиётда Ибн Сино каби, фалсафада Ибн Рушд каби, риёзиётда Ибн Ҳайсам каби, кимёда Жобир ибн Ҳайён каби, ташриҳда (анатомияда) Ибн Нафис каби етук олимларимиз етишиб чиқди. Ислом бизга шундай нури тухфа қилдики, биз бутун дунён ўша нурга тўлдириб юбордик.

*Mустафо Маҳмуд*



2520. (Эй нафс) мени тарқ эт, шунда етиб бўлмас юксак мартабаларга эришаман,

чунки улуғ мартабага енгил етиш йўли оғирликда, оғирлик эса енгилликдадир.

Олий мартабаларга осонгина эришишни хоҳляяпсан,

бас, у холда, асал олдида асаларининг игнасини тотишинг лозим.

*«Унванул байан» китобидан.*



2521. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бемор бўлиб ётган бир аъробийни кўргани кирдилар. Агар касал кўргани кирсалар, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одатлари «Лаа ба`са, тоҳуурун иншааллоҳ» (Зарари йўқ, иншааллоҳ, бу касаллик сени поклайди), дейиш эди.

*Имом Бухорий ривояти.*



2522. Ҳар қанча ўрганмайин, борган сари билмаслигимни англаб боравердим.



2523. Надоматлар дарахти...

Абу Яхё Варроқ шундай деган эканлар: «Ким аъзои баданини шаҳватлар билан рози қилса, қалбига надоматлар дарахтини экибди».



2524. Нафс иззати ва ифтихорининг энг олий турларидан бири – одамлар қақшатқич зарба берувчи сўз айтишингни кутиб турган пайтда индамай, табассум қилишингдир...



2525. Донишмандлардан бири деди: «Юмшоқ сўз кишини севимли қиласи. Ҳалим бўлмаган киши афсус чекади, сукут қилган киши саломат бўлади. Ибрат назари билан бокқан одам кўради, кўрган одам фахмлайди, ҳою-

хавасга эргашган адашади, ўз фикри билангина ҳисоблашадиган одам тойилади».

«Унванул байан» китобидан



2526. Салмон розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени қасаллигимда кўргани кириб: «Эй Салмон, «Шафаллоҳу сақомак, ва ғофаро занбак, ва ъаафаака фий дийника ва жисмика ила муддати ажалик» (Аллоҳ сенга шифо берсин, гуноҳингни кечирсин, ажалинг келгунича жисминг ва динингни оғиятда қилсин) дедилар».

*Ибн Сунний ривояти.*

Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Бир аъробий иситмалаб ётган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни кўргани кириб: «Бу қасаллик гуноҳларга каффорат бўлади, поклайди», дедилар.

*Ибн Сунний ривояти.*

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Касални зиёрат қилиш унинг пешонасига қўлни қўйиш ёки унинг қўлини ушлаб, ахволи нечук эканини сўраш билан мукаммал бўлади**», дедилар.

*И мом Термизий ривояти.*

Ибн Суннийнинг ривоятида: «**Касал кўришнинг мукаммаллиги касалга қўлни қўйиб туриб, «Яхши ётиб турдингми?» ёки «Кунинг яхши ўтдими?» деб айтишдир**», дейилган.



[facebook.com/Science.Faith](https://facebook.com/Science.Faith)

صفحة الدكتور مصطفى محمود

2527. Ухлашдан олдин ўзингга ўзинг савол бериб, нима учун яратилганинг, нима учун яшаётганинг, энди қилмоқчи бўлган ишларинг, нифоқ аралашмаган соғ ишларинг, заифлигинг ва кучинг ҳақида баҳс қилиб, ўзингдан сўрагин. Қиладиган ишларингни танқиддан холи бўлган ойна остига қўйгин. Чуқур тафаккур қилиб, кимлигингни, ҳақиқатингни кашф қил!



2528. Кимга зикр қилувчи тил ато қилинса, демак, унга жаннат неъматларидан бири берib қўйилган экан. Зикр соҳиби абадий неъматдадир. Неъматдалиги шундаки, уларга нафас олиш илҳом этилганидек, тасбех ва ҳамд айтиш илҳом қилингандир.

Аллоҳим! Бизларни ҳам зикр аҳлидан қилгин!



2529. Дуоларнинг афзали:  
«Аллоҳим! Сендан Ўзингга яқинлаштирадиган унс-улфат сўрайман!»

Мўмин одам учун ушбу дуодан тўрт нарса ҳосил бўлади:

- «1. Қавм-қариндошларсиз ҳам азизлик.
- 2. Талаб этмаса ҳам илм.
- 3. Мол-дунёсиз бойлик.
- 4. Жамоасиз хушчақчақлик.



2530. Қадр-қиммат топишга рағбатинг бўлса, ҳаромдан тийил.

«Унванул байан» китобидан



2531. Усмон ибн Аффон розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Касал бўлган пайтимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга паноҳ тилардилар. Бир куни: «**Бисмиллаахир роҳманир роҳийм.** Уъийзука биллааҳил аҳадис-сомад, аллазий лам йалид ва лам йулад, ва лам йакуллаҳу қуфуван аҳад. Мин шарри маа тажиду» (*Ягона, беҳожат, туғмаган ва туғилмаган, ҳеч бир тенги йўқ Аллоҳдан сенга етадиган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ тилайман*) деб менга паноҳ тиладилар. Буни айтиб бўлганларидан кейин ўринларидан туриб: «**Эй Усмон, мана шу калималар билан паноҳ тила, бундан бошқаси билан бу қадар паноҳ тилай олмайсан**», дедилар».

*Ибн Сунний ривояти.*



2532. Баъзи кимсалар уламолар ҳузурида таълим олмасдан, китоб ўқиши орқали илм ўрганишар эди. Кунларнинг бирида шундай кимсалардан бири: «Қора седана барча дардга шифодир» деган иборани ўқиб қолди. Аммо китобда «седана» (الحياة) сўзи хато ҳолда «илон» деб ёзилиб қолган эди. Шунинг учун бу бечора «Қора илон барча дардга шифодир» деб ўқиб олиб, қора илон қидира бошлади. Уни топиб, ушлаган эди, илон уни чақиб ўлдирди.

Устозсиз илм ўрганиш – тўғри йўлдан тойилиш демакдир.



2533. Ҳаром нарса денгиз сувига ўхшайди. Уни ҳар қанча ичмагин, чанқоғинг ортиб бораверади.



2534. Замахшарий айтдилар:  
«Тумов бўлган одам атиргул ҳидидан бебахра бўлганидек, аҳмоқ ҳам ҳикмат лаззатидан хузурлана олмайди.



2535. Ахлоқнинг кенглиги ризқнинг хазиналариридир.  
«Унванул байан» китобидан.



2536. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барча  
 касалликларга, хусусан, иситма чиққанда «Бисмиллаҳил  
 кабийр, наъуузу биллаҳил ъазийм, мин шарри ъирқин  
 наъяар, ва мин шарри ҳаррин-наар» (Буюк Аллоҳнинг  
 исми ила: Улуғ Аллоҳдан томирдан шовуллаб оқувчи қоннинг  
 ёмонидан ва дўзах оловининг ёмонлигидан паноҳ тилайман)  
 дейишни ўргатар эдилар.

*Ибн Сунний ривояти.*



2537. Фаҳмламайдиган кишига тушунтиргандан кўра харсангтошни ўрнидан силжитиш осонроқ.

*Али ибн Абу Толиб.*



2538.


Машиналари бузилиб қолса ҳам, «кўз теккан!»...

Оилавий муаммо пайдо бўлса ҳам, «кўз теккан!»...

Фарзандлари бемор бўлиб қолса ҳам, «кўз теккан!»...

Тижоратлари юришмаса ҳам «кўз теккан!»...

Аслида улар гуноҳ-маъсиятларга ботган кимсалардир. Мусибатларнинг асл сабаби гуноҳлар экани бирортасининг хаёлига келмайди.



2539. Охир-оқибат ҳеч ким сенинг чиройинг ёки бойлигинги эсламайди. Сен қолдирган ҳақиқий нарса уларнинг ақли ва қалбида қолдирган изинг ва таъсирингдир. Эҳтимол, ўша қолдирган изинг оламшумул бўлмас, лекин уларнинг хотирасида ўчмас из бўлиб муҳрланиб қолади...



2540. Фазилатлар ҳосил қилиш қийинчиликларга бардош бериш билан бўлади.

«Унванул байан» китобидан.



2541. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бирортангизга зарар етса, ўлимни орзу қилмасин. Агар ҳеч иложи бўлмаса, «Аллоҳумма, аҳйиний мaa каанатил ҳайаату хойрон лий, ва таваффаний изаа каанатил вафаату хойрон лий» (Аллоҳум, мен учун яшаганим яхии бўлса, мени тирик қолдир. Мен учун ўлганим яхии бўлса, мени ўлдир) десин».

*Имом Бухорий ва Муслим ривояти.*



2542. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Ким одамлар истамаган ҳолда уларнинг гапига қулоқ тутса, қиёмат куни қулоғига қалай қуйилади**».

*Имом Бухорий ривояти.*



2543. «Намоз ўқиган ҳолда вафот топибди...»  
 «Сажда қилган ҳолида жон таслим қилибди...»  
 «Рўзадор ҳолида ўлиб қолибди...»  
 Бундай ҳодисалар ўз-ўзидан бўлди деб ўйлайсизми?  
 Ким қандай ҳаёт кечирса, шу алфозда вафот этади...  
 Тавба-тазарруъга шошилинглар!

Аллоҳдан ўзим ва сизлар учун гўзал хотима сўрайман...



#### 2544. «Улар ширин сўзга ҳидоят қилинурлар» (Ҳажс сураси, 24-оят)

Ширин ва ёқимли сўзли бўлиш ҳидоятнинг турларидан экан. Сўконғичлик ёки бузуқтиллик эса ҳидоятдан маҳрумлик экан. Бундай кимсалар ҳаққига ҳидоят сўраб дуо қиласиз.



2545. Мол-дунёга етишни орзу қилган одам қўрқинчу даҳшатлар маркабига миниб олсин.


«Унванул байан» китобидан.



2546. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўлимлари яқинлашиб қолган пайт эди. Олдиларида бир косада сув бор эди. Унга қўлларини солиб, сувини юзларига суртдилар ва «**Аллоҳумма، аъинний ъалаа ғомаротил мавти ва сакаротил мавт**» (Аллоҳим, ўлим шиддати ва ўлим талвасасида менга ёрдам бер) дедилар».

*Имом Термизий ва Ибн Можса ривояти.*



2547. Ким Аллоҳ ато қилган неъматлар ҳақида тафаккур килиб, сўнг шукр айтишдаги камчилиги ҳақида ўйласа, (Аллоҳдан яна неъмат) сўрашдан ҳаё қиласди.



2548. Намоздаги хушуънинг калити намоздан бошқа пайт ҳам зикрни кўпайтиришдир!



2549. Одамларга кўп аралашаверишдан ёмон дўстлар пайдо бўлади. Одамови бўлишдан адоват келиб чиқади. Демак, шу иккисининг ўртасида бўлинг.

*Шофеъий роҳимаҳуллоҳ.*



2550. Душманларим қийналсин деган одам шараф ва улуғликни зиёда қилсин.

*«Унванул байан» китобидан.*



2551. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг менга суюниб туриб, «**Аллоҳуммағфирли варҳамний ва ъалҳиқний бир-рофийқил аълаа»** (Аллоҳим, мени мағфират қил, менга раҳм эт ва мени Олий дўст билан қовуштири) деганларини эшидим».

*Имом Бухорий ва Муслим ривояти.*

Ўлими яқинлашиб, ҳаётдан ноумид бўлган кишининг Қуръон тиловат қилиши ва кўп зикр билан машғул бўлиши мустаҳабдир. Аммо бесабр бўлиш, ноўрин ҳаракатлар қилиш, бирор билан сўкишиш, хусуматлашиш ва тортишиш кариҳ кўрилган амаллардир. Бундай ҳолатдаги инсон қалби ва тили билан Аллоҳга шукр этиши, умрининг сўнгги дақиқаларини яхшилик билан хотималашга ҳаракат қилиб, бор зеҳнини сарфлаши ва тиришиши, шунингдек, Аллоҳга нисбатан яхши

гумонда бўлиши, яъни Аллохнинг унга раҳм қилишига умид боғлаши ва ахлига сабр қилишни, вафот этганда йиғламасликни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган «Маййит ўз ахлининг йиғиси сабабли азобланади» деган саҳих ҳадисни эслатиши, вафотидан кейин дўстларига яхшилик қилишни ва жанозада одат тусига кириб қолган бидъатлардан четланишни васият қилиши лозим.

Муоз ибн Жабал розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кимнинг охирги каломи «Лаа илааха иллаллоҳ» бўлса, жаннатга киради»**, дедилар.

*Абу Довуд ривояти.*

Абу Хурайра ва Абу Саид Худрий розияллоҳу анхумолардан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлим тўшагида ётганларга «Лаа илааха иллаллоҳ»ни айтиб туришни буюрдилар».

*Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насаий ривояти.*

Уламолар: «Агар маййит «Лаа илааха иллаллоҳ»ни айта олмаса, шу ерда ҳозир бўлганлар мулойимлик билан, оҳиста айтиб туришади», дейишган.



2552. Қачон яхши ният қилсанг, Аллоҳ ҳам аҳволингни яхшилайди. Қачон бошқаларга яхшиликни раво кўрсанг, ўйламаган томонингдан яхшилик келаверади. Бошқаларни баҳтиёр қилиш учун яшасақ, Аллоҳ бошқаларни баҳтиёр қилиш орқали бизни ҳам ризқлантиради. Сен олишни эмас, беришни ўйла. Ҳар гал берганингда ўзинг сўрамасанг ҳам олаверасан.



د أحمد عيسىي المغصراوي

{ ويـسـأـلـونـكـ عـنـ الـجـبـالـ فـقـلـ يـنـسـفـهـاـ رـبـيـ }  
نسفا

من يستطيع نصف الجبل في لحظة  
يستطيع أن يزيل همك في لحظة مهما كبر  
فإله أكبر من كل شيء ..

2553. (Эй Мұхаммад алайхиссалом!) **Сиздан тоғлар ҳақида сўрайдилар. Айтиңг: «Парвардигорим уларни (кум каби) сочиб юборур» (Тоҳа сураси, 105-оят).**

Тоғларни майдалаб, сочиб юборадиган Зот ғам-ташвишларинг ҳар қанча улкан бўлмасин, уларни бир лаҳзада аритмоққа қодир-ку?!

Аллоҳ барча нарсадан буюкдир!



2554. Ҳаёtingдаги оғир кунлар келгусидаги мاشаққатли ва қийин кунларга юзма-юз турингни саботингни оширади.



2555. Ҳақиқий оқил инсон – замон ғафлатини ғанимат билган ва имкон фурсатини ушлаган кишидир.  
«Унванул байан» китобидан.



2556. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Саламанинг олдига кирганларида, у киши вафот этиб, кўзлари очик қолган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг кўзларини юмиб қўйдилар. Сўнгра: «Рух қабз этилганда кўз унинг ортидан қараб қолади», дедилар. Абу Саламанинг ахлларидан бўлган кишилар дод солиб юборишиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўзингизга дуо қилаётганингизда фақат яхшилик сўранглар, чунки фаришталар айтиётган нарсангизга «омийн» деб туришади», деб қуидаги дуони ўқидилар: «Аллоҳуммағир ли Аби Салаамата варфаъ дарожатаҳу фил маҳдийийна, вахлуфҳу фий ъақибиҳи фил ғобирийна, вағфириланаа ва лаҳу йаа Роббал ъааламийн, вағсаҳ лаҳу фий қобриҳи ва наввир лаҳу фийҳи»


(Аллоҳум, Абу Саламани мағфират қил. Унинг даражасини ҳидоят топганлар қаторига кўтар. Ортида қолганларга Ўзинг ўринбосар бўл. Эй оламларниг Робби, бизни ҳам, уни ҳам мағфират қилгин, қабрини кенг қил, нурга тўлдиргин)

*Имом Муслим ривояти.*



2557. «Ҳар бир жон ўлимни тотгувчиидир» (*Анкабут сураси, 57-оят*)

Демак, яхши ҳам, ёмон ҳам, бой ҳам, камбағал ҳам ўлим шарбатини totar экан, барча одамларниг ниҳояси шу бўлар экан. Шундай экан, Роббига У Зотни рози қилган ҳолда учраганларга шон-шарафлар бўлсин!



2558. Бир мусулмон вафот қилганда яқин қўшниларидан тўртта хонадон (унинг яхши инсон эканига) гувоҳлик берса, Аллоҳ азза ва жалла: «У ҳақда билғанларингизни (гувоҳликларингизни) қабул қилдим, билмаганларингизни кечирдим», дейди.

*Имом Аҳмад ривояти.*



### 2559. Табассумнинг фойдалари:

- Набий соллаллоху алайҳи васалламга эргашиш.
- Мўминларга хурсандлик келтириш.
- Нафратни кетказиш.
- Инсонларнинг кўнглидан жой олиш.



2560. Ақл — энг гўзал зийнатдир, илм — мен эгалик қиладиган нарсанинг энг афзалидир. Ҳақиқатдек қилич йўқ, тўғриликдек адолат йўқ. Нодонлик ёмонлик аравасидир, унга минган тойилади, уни дўст тутган адашади. Жоҳиллар билан ҳамсухбат бўлиш — жоҳиллик, адашганлар билан яшаш — хорликдир. Ато қилинган неъматларнинг энг яхиси ақлдир, мусибатларнинг энг ёмони нодонликдир. Ким уламоларнинг сухбатида бўлса, ҳайбати ошади, ким аҳмоклар билан сухбат қурса, таҳқирланади. Ким ёшлигida таълим олмаса, улғайганида пешқадам бўла олмайди.

*«Унваанул байан» китобидан.*



2561. Улугъ тобеъинлардан бири Бакр ибн Абдуллоҳ шундай деди:

«Маййитнинг кўзини ёпаётганингда «**Бисмиллаахि وا  
ъала مиллати روسуулиллаах**» (*Аллоҳнинг исми ила,  
Аллоҳнинг Расулининг миллатида*) дегин. Уни (тобутни)  
кўтараётганингда «**Бисмиллаах**», дегин. Кўтариб  
бораётганингда тасбих айтгин».

*И мом Байҳақий ривояти.*

عبدالعزيز الطريفي


يظن أن العقوبة  
والابتلاء تكون بفقد المال  
والولد فقط، ولكن أعظم  
أنواع العقوبة والابتلاء أن  
ترى الحق ثم يصرفك الله  
عن اتباعه .

2562. Бало ва офат факат мол-дунёдан ва фарзанддан ажралганда бўлади, деб ўйлашади. Лекин аслида энг улкан бало ҳақ йўл кўриниб турса ҳам, Аллоҳ ундан буриб кўйишидир.



2563. Оқил ким?

Яхшиликни таниб, унинг ортидан тушган ҳамда ёмонликни таниб, уни тарк қилган кишини оқил дейиш мумкин. Шунинг учун Аллоҳ таоло Қуръони каримда дўзах аҳллари ҳақида шундай деган: «Агар эътибор қулоғи билан эшиганимизда ёки ақлни ишлатганимизда эди, дўзахийлар орасида бўлмаган бўлар эдик», дерлар» (*Мулк сураси, 10-оят*).



2564. «Чин дўст қийинчиликда билинади» деган иборани кўп эшитганмиз. Сиз ушбу иборанинг тўғрилигини тажриба қилиб кўрмоқчимисиз? Марҳамат, Қуръон билан дўстлашинг, у сизга Қиёмат куни энг оғир аҳволга тушиб қолганингизда шафоатчи бўлиб келади.




2565. Ёмонларнинг ёмони узрларни қабул қилмайдиган кишидир.

«Унванул байан» китобидан



2566. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бемор ёки ўлим тўшагида ётган кишининг олдида бўлсангиз, фақат яхши гапни айтинглар, чунки фаришталар айтаётган нарсангизга «омийн» деб туришади». Абу Салама вафот этганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига кириб, «Эй Аллоҳнинг Расули, (эрим) Абу Салама вафот қилди», дедим. У зот шундай дедилар: «Аллоҳуммағfirliй ва лаҳу ваъқибний минҳу ъуқба ҳасана» (Аллоҳим, мени ҳам, уни ҳам мағфират қилгин ҳамда унинг эвазига менга ундан яхшисини бергин) дегин». Мен шу дуони айтиб юрдим. Ниҳоят, Аллоҳ таоло менга эримдан ҳам афзал инсонни – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ато этди (яъни у зот мени никоҳларига олдилар)».

*Имом Муслим ривояти.*



2567. «Биз (Киёмат куни) ростгўйлардан ростгўйликлари ҳақида сўраш учун улардан пухта ахду паймон олдик» (*Aҳзоб сураси, 8-оят*)

Ажабо! Ростгўйлар, содиклар ҳам сўралар экан, у холда ёлғончиларнинг ҳоли не кечар экан?



د أحمد عيسى المعصراوي

قال أحد السلف :

إِذْر راحت لقبرك، وقلّ من لهوك  
ونومك، فإن من ورائك نومة ..  
صبحها يوم القيمة.

2568. Солих салафлардан бири шундай деди: «Роҳатни қабринг учун қолдир. Ўйин-кулги ҳамда уйқунгни озайтири, чунки олдинда ҳали шундай уйқу бор-ки, унинг тонги Қиёмат қоимдир».



2569. Яхши одамлар ортларидан қолган инсонларга: «Ораларингизда бизларга жой йўқ», дегандек, бу дунёни тез тарк қиласидилар. Аллоҳ у руҳларни раҳматига олсин, уларнинг бу дунёда туришлари қандай гўзал бир ҳолат эди...



2570. Кечиккан ваъда ва боғлаб ташланган жумбоқ ишда хайр йўқ.

## *«Унванул байан» китобидан.*



2571. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бир бандага мусибат етганда: «Иннаа лиллаахи ва иннаа илайҳи рожиъун. Аллоҳумма, ажурний фий мусийбатий вахлуфлий хойрон минҳа» (Албатта, биз Аллоҳникимиз ва Үнга қайтувчимиз. Аллоҳум, мусибатимда ажр бергин ва менга ундан яхшиrogини бер) деса, Аллоҳ таоло үнга мусибати учун ажр бериб, ундан яхисини ато этади». Эрим Абу Салама вафот этганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрганларидек, ўша дуони айтиб юрдим. Аллоҳ таоло мени эрим Абу Саламадан ҳам яхшироқ зотга – Мұхаммад алайҳиссаломнинг никоҳларига мушарраф қилди».

*Имом Муслим ривояти.*



2572. Фарзандларингизни тарбия қилиб овра бўлманг, улар барибир ўзингизга тортади. Сиз ўзингизни тарбия қилинг.



د.أحمد عيسى المعصراوي

إذا ضاق عليك أمر  
فتصدق واتق الله  
"فَامَّا مَنْ أَعْطَى وَاتَّقَى"  
النتيجة:  
"فَسَيُسِّرُهُ اللَّهُسَرَى"  
يسِّر الله أموركم !!

2573. Аҳволинг танг бўлиб, қийинчиликда қолсанг, садақа бериб, Аллоҳга тақво қил, чунки Аллоҳ Қуръони каримда шундай дейди: «**Кимки** (ўз мол-мулкидан камбағалбечораларга берилиши лозим бўлган закот ва бошқа садақотларни) **ато этса ва** (Аллоҳдан) қўрқиб, тақво қилса,

**Биз уни осон йўлга мұяссар қилурмиз» (Лайл сураси, 5-7-оятлар).**

Натижага эътибор беринг! Агар шундай қилсангиз, Аллоҳ «осон йўлга мұяссар қилурмиз» демоқда!

Аллоҳ ишларингизни осон қилсин!



2574. Луқмон ўғиллариға шундай дедилар: «Эй ўғилчам! Охиратингга заар берадиган даражада дунёга киришиб ҳам кетма, одамларга бокиманда бўладиган даражада дунёни тарк ҳам қилма».



2575. Йўл бер, гарчи у йўл беришга муносиб бўлмаса хам.

«Унванул байан» китобидан.



2576. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Бирортангизга мусибат етса, «Иннаа лиллаахи ва иннаа илайҳи рожиъун. Аллоҳумма, ъиндака аҳтасибу мусийбатий, фаажурний фийҳа ва абдилний биҳаа хойрон минҳа» (Албатта, биз Аллоҳникимиз ва Унга қайтувчимиз. Аллоҳим, мусибатим учун даргоҳингдан савоб умид қиласман. Мусибатим учун менга ажр бер ва уни ундан яширигига алмаштири) десин».

Абу Довуд ривояти.



2577. Исломнинг гўзал жиҳатларини, буюк имомларнинг фазилатларини намоён қиласидан киши билан Ислом манбаларидаги шубҳали, тушунарсиз нарсаларни ортидан қувиб, хато-камчиликларни қидириб, «Ислом мероси оғат-балоларга тўлган» деб, одамларнинг онгига қуювчи кишининг орасида катта фарқ бор. Аввалгиси ҳақиқий мўминдир. Иккинчиси эса мунофиқ ва зиндиқдир.



2578. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уйдирмаларнинг энг ёмони – тушида кўрмаганини кўрдим дейишдир», деганлар».

*Имом Бухорий ва Табароний ривояти.*



2579. Ҳуд алайҳиссаломнинг қавмлари: «Сен нодон экансан», дейишишганда у зот: «Сизлар ўзингиз нодонсиз», демадилар, балки: «Эй қавмим, мен нодон эмасман», дедилар. Пайғамбарларнинг муомаладаги ахлоқлари нақадар гўзал!



2580. Ахнаф ибн Кайс айтди:

«Илмнинг илдизи рағбат, меваси ибодатдир. Тақвонинг илдизи қўрқиш, меваси саодатдир. Мардликнинг илдизи ҳаё, меваси иффатдир. Энг мустаҳкам пойdevор ақлдир, энг афзал

либос тақводир. Нодон мол истайди, оқил эса камол. Дарс соатини узайтирган, нафсини қийнамаган одам илмга етиша олмайди. Қанча хору залил кишилар бор, аммо ақли уларни азиз қиласы. Қанча азизлар бор, нодонлиги уларни хору залил қиласы».

«Унванул байан» китобидан.



2581. Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ўлим қўрқинчdir. Бирингизга биродарининг ўлими хабари етса, «Иннаа лиллаахи ва иннаа илайҳи рожиъун. Ва иннаа илаа Роббинаа ламунқолибун. Аллоҳуммактубху ъиндака фил муҳсинийн, важъал китаабаҳу фий ъиллийийн, вахлуфху фий аҳлиҳи фил ғобирийн, ва лаа таҳримнаа ажроҳу ва лаа тафтиннаа баъдаҳ» (Албатта, биз Аллоҳникимиз ва Унга қайтувчимиз. Ва биз Роббимизга албатта қайтажаскимиз. Аллоҳим, уни

даргоҳингда яхшилардан деб ёзгин, китобини *Иллиййунда* (еттинчи осмонда номаи аъмоллар битилган маконда) қилгин. Ортида қолганларга Ўзинг ўринбосар бўлгин. Бизни унинг ажридан маҳрум қилма ва ундан кейин бизларни фитнага солма) десин».

*Ибн Сунний ривояти.*



2582. Ҳақиқий саодат нима?

Бахт-саодат оила қуришда ҳам эмас, фарзандларда ҳам эмас, дўстларда ҳам эмас, сафар қилишда ҳам эмас, фаровон турмушда ҳам эмас, мансабда ҳам эмас, уй-жойда ҳам эмас... Ҳақиқий баҳт-саодат – Аллоҳ сени баҳтиёр қилишидадир. Кулдиргувчи ҳам, йифлатувчи ҳам, баҳтиёр қилувчи ҳам, бадбаҳт қилувчи ҳам, беҳожат қилувчи ҳам, бой қилувчи ҳам У Зотнинг Ўзидир.

Ҳақиқий баҳт-саодат – Аллоҳга бўлган иймон ва ишончнинг қувватидадир!



2583. Бу сен учун, эй яширинган дур!

Иффат ва ҳаёчалик аёлнинг қадрини юксалтирадиган нарса йўқ!

Одоб-ахлоқчалик аёлнинг қадр-қимматини олий чўққига кўтариадиган нарса йўқ!

Иймон ва тақвоҷалик аёлнинг даражасини баландлатадиган нарса йўқ!

Агар аёлда мана шу хислатлар жам бўлса, Аллоҳдан қўрқадиган йигит унга муентазир бўлиб турган садафга айланади!



#### 2584. Буюқ кафолат:

Содиқул масдуқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кафил бўлсалар, у зот кафил бўлган нарса эни еру осмон оралиғича жаннат бўлса, бундай кафолатга нима дейсиз?

Убода ибн Сомит розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Сизлар ўз нафсларингиздан олти нарсага кафил бўлинглар, мен ҳам сизларга жаннатнинг кафолатини бераман: сўзлаганда рост гапиринглар, ваъда берсангиз, вафо қилинглар, омонат қўйилса, уни адо этинглар, фаржларни (ҳаромдан) сақланглар, кўзларингизни (фаҳшдан) тийинглар, қўлларингизни (бировларга озор беришдан) тўхтатинглар».

*Имом Аҳмад ривояти.*

**Изоҳ:** Содиқу масдуқ – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатлариdir. Содиқ – фақат рост сўзловчи, ҳақни айтувчи, барча сўзу амалида садоқатли зот демакдир. Масдуқ – рост сўзни тингловчи, сўзи ўз тасдиғини топадиган зот демакдир.



2585. Ёшликда берилган одоб болага фойда беради.  
Ундан сўнг берилган одобда нафъ йўқ.  
Дарахт шохларини тўғриласанг, тўғриланади,  
Аммо ўтинга айлангач, энди у букилмайди.  
«Унванул байан» китобидан.



2586. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламниңг  
хузурларига бориб, «Эй Аллоҳниңг Расули, Аллоҳ таоло Абу

Жаҳлни ўлдирди», дедим. У зот: «**Алҳамду лиллаахилلазий насоро ъабдаху ва аъазза дийнаху»** (*Бандасига нусрат беріб, динини азиз қылған Аллоҳга ҳамд бўлсин*) дедилар.

*Ибн Сунний ривояти.*



2587. Абулмуғийрага: «Қандай ётиб турдингиз?» дейишса, «Неъматларга ғарқ бўлиб, шукр қилишдан ожиз бўлиб тонг оттиридик», дер эдилар.



## 2588. Биласизми?

Чивиннинг устида яшаб, унинг қонини ичиб озиқланадиган ниҳоятда кичик кана бор экан! Уни факат кучли микроскоп орқалигина кўриш мумкин экан. Аммо бу ҳақда Аллоҳ таолонинг ояти бор экан. Мана ўша оят: «Албатта, Аллоҳ чивин ёки ундан-да тубан нарсани мисол келтиришдан уялмас» (*Бақара сураси, 26-оят*).

Субхааналлоҳ!



2589. Ҳақиқий йўлбошли бошқалардан кўра кўпроқ кўради, бошқалардан кўра узокроқни кўради, бошқалардан олдинроқ кўради.



2590. Илм билан ёлғиз қолган кишини ёлғизлик қўрқита олмайди. Китоблардан юпанч топган кишини юпанчи ташлаб кетмайди.

«Унванул байан» китобидан.



2591. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:  
 «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жаноза намозида шундай дедилар: «**Аллоҳуммагfir лиҳайинаа ва майитинаа, ва шаҳидинаа ва ғоибинаа, ва соғиринаа ва кабиринаа, ва закаринаа ва унсаана!** Аллоҳумма, ман аҳайтаху миннаа – фа аҳийҳи ъалал ислаам, ва ман таваффайтаху миннаа – фатаваффаху ъалал иймаан! **Аллоҳумма лаа таҳrimnaa ajroху ва laa taftinna bâdâху**» (Аллоҳим, тирикларимизу ўликларимизни, ҳозирларимизу гойибларимизни, кичикларимизу катталаримизни, эркагу аёлимизни мағфират қилгин. Аллоҳим, кимимизни яшатсанг, уни Исломда яшатгин, кимимизни вафот этдиранг, уни иймонда вафот қилдиргин. Бизни унинг ажридан маҳрум қилма ва ундан кейин бизни фитнага солма).

*Абу Довуд, Термизий, Ибн Можса ривояти.*



2592. Ривоят қилинишича, бир киши Ибн Сириннинг хузурларига келиб, «Тушимда мени чақиришяпти экан», деди. Ибн Сирин: «Иншааллоҳ, ҳаж қилар экансан», дедилар. Бошқа бир киши келиб, «Тушимда мени чақиришяпти экан», деган эди, Ибн Сирин: «Ўғрилик қилиб, қўлинг кесилар экан», дедилар. Одамлар бир хил саволга икки хил жавобдан таажжубга тушиб, туш таъбиридаги хилма-хилликнинг сабабини сўрашди. Ахир иккаласи ҳам тушида чақирилган эди. Ибн Сирин шундай дедилар:

«Биринчи кишининг юзида яхшилик сиймосини кўриб, Аллоҳнинг **«Одамларни ҳажга чақир, сен томон пиёда келсинлар»**, деган сўзини эсладим (*Ҳажс сураси, 27-оят*).

Иккинчисининг юзида ёмонлик сиймосини кўрдим ва Аллоҳнинг **«Эй карвондагилар, сизлар ўғрисизлар, деб чақирди»** сўзини эсладим (*Юсуф сураси, 70-оят*).



2593. «Эй Аллоҳнинг Расули, нима учун бошқа бирор ойда шаъбон ойида тутганчалик рўза тутмайсиз?» деб сўрашди. У зот шундай дедилар: **«Бу ой ражаб билан Рамазоннинг орасида келади. Одамлар эса ундан ғафлатда қолишади. Бу шундай ойки, унда амаллар Роббул оламийнга кўтарилади, амалларим рўзадор бўлган пайтимда кўтарилишини истайман».**

*Имом Насаий ривояти.*



2594. Ким (бардавом) Қуръон ўқиб юрса, ёши юзга етган бўлса ҳам ақлидан ҳузур ва роҳат олади.

*Муҳаммад ибн Каъб роҳимаҳуллоҳ.*



2595. Одоб — бойлиқдир, уни ишлата билиш — комилликдир. Ақл билан ҳар бир иш ислоҳ қилинади, ҳилм билан ҳар бир ёмонлик кесилади.

*«Унванул байан» китобидан.*



2596. Агар маййит ёш бола бўлса, дуо қуидагича ўқилади:

«Аллохуммажъалху лахумаа фаротан, важъалху лахумаа салафан, важъалху лахумаа зухрон, ва саққил бихи мавазийнахумаа ва африғис-сабро ъалаа қулубихимаа, ва лаа тафтиннахумаа баъдаҳ, ва лаа таҳримҳумаа ажроҳ» (Аллоҳим, бу гўдакни улар (яъни отонаси) учун ажр, фазл ва заҳира қил. У сабабли уларнинг тарозиларини оғир қил, қалбларига сабр ёғдир. Ундан кейин уларни фитнага солма ва уларни унинг ажридан маҳрум қилма).

Сўнг «Аллоҳу акбар» деб, икки томонга салом бериб, жаноза намози тугатилади.



2597. Суратдаги булутнинг шакли тоққа ўхшайди. Унинг баландлиги бир неча минг метрга етади. Ушбу булутни ўрганган олимлар ундан дўл ёғишини аниқлашди. Бизга маълумки, дўл шакли тоққа ўхшаган булутдан тушади. Ушбу хақиқатни Қуръон ўн тўрт аср муқаддам ушбу оятда исботлаб қўйган:

**«У зот осмондан, ундаги тоғлардан дўл туширур» (Нур сураси, 43-оят).**

Субҳаналлоҳ!!!

### ملحد سأل أحمد ديدات

ما شعورك لو مُت واكتشفت أن الآخرة كذب؟

**قال ديدات:**

ليس أسوأ من شعورك إن مُت أنت واكتشفت

أنها حقيقة !



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

2598. Бир даҳрий Аҳмад Дийдотдан «Ўлсанг-у, охиратнинг ёлғон эканини кўрсанг, ўзингни қандай ҳис қиларкинсан?» деб сўради. Дийдот: «Ўзинг ўлсанг-у, охиратнинг ҳақиқат эканини кўрганингчалик ёмон ҳис қилмайман», деб жавоб қилдилар.

قَالَ رَبِّنَا مَنْ هُوَ بِنِي إِنَّمَا الدُّنْيَا وَالآخِرَةُ كِرْجَلٌ

إِنَّمَا الدُّنْيَا وَالآخِرَةُ كِرْجَلٌ

لَهُ امْرَأَتَانِ..

إِنَّ أَرْضَ إِحْدَاهُمَا أَسْخَطَ الْآخِرَى .

جامعة العلوم والحكم

2599. Дунё ва охиратнинг мисоли худди икки хотинли эркакка ўхшайди. Бирини рози қилса, иккинчиси ғазабнок бўлади.



2600. «Илмнинг доимо бизда, мол-дунёниг эса жоҳилларда бўлишига розимиз, чунки мол-дунё тез йўқ бўлади, илмга эса завол йўқ».  
«Унваанул байаан».




2601. Авф ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламниг жанозада ўқиган дуоларини ёдлаб олдим. У зот шундай деган эдилар: «**Аллоҳуммағfir лаҳу, варҳамху, ва аъфиҳу, ваъфу анҳу, ва акрим нузулаҳу ва вассиъ мудхолаҳу, вағсилху бил мааи вас-салжи вал барод, ва наққиҳи минал хотойаа камаа наққойтас-савбал абйадо минад-данас, ва абдилху даарон хойрон мин даариҳи, ва аҳлан хойрон мин аҳлиҳи, ва завжан хойрон мин завжиҳи, ва адхилхул жанната ва аъизху мин ъазаабил қобри ва мин ъазаабин-наар» (*Аллоҳум, уни мағфират қил, унга раҳм қил, уни оғиятда қил ва авғ этгин. Тушадиган ерини мукаррам, кирадиган ерини кенг қилгин. Уни сув, қор, дўл билан ювгин. Оқ кийимни кирдан тоза қилганинг каби, уни ҳам хатолардан поклагин. Унга ўз ҳовлисидан яхшироқ ҳовли, ўз аҳлидан яхшироқ аҳл, ўз жуфтидан яхшироқ жуфт бергин. Уни жсаннатга киргизгин, қабр ва дўзах азобидан сақлагин*).**

Ўшанда «Қанийди ўша маййит мен бўлсам» деб юборганман».

*И мом Муслим ривояти.*



2602. Ушбу суратда электрон микроскоп орқали тери устидаги миллиардлаб бактерияларни кўриб турибсиз. Бактерияларнинг бир неча турлари бор. Аммо ажабланарлиси шуки, ҳатто шу кўзга кўринмас зарраларнинг ҳам ўзига хос микроби бор экан. Олимлар ушбу бактерияларнинг ривожланишини, турли физиологик ўзгаришлар натижасида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб, шакли ўзгаришини аниқлашди. Шундан келиб чиқиб, нима учун Аллоҳ бизни ҳар намоз олдидан таҳорат қилишга амр этганининг ҳикматларидан бирини англағандек бўламиз. Зоро, сув ва таҳорат таъсири остида уларнинг сони ниҳоятда камайиб, зарар берувчи ҳолатидан манфаат берувчи ҳолатига ўтар экан.

Роббимиз бу ҳақда: «**Аллоҳ ўзларини мудом пок тутгувчи зотларни севади**», деган (*Тавба сураси, 108-оят*). Субҳаналлоҳ!



2603. Ҳиссиёт бир ойлик, ақл эса бир умрлик истиқбол ва ишончдир.



2604. Уч нарса сабрдандир:

1. Мусибатинг ҳақида гапираверма.
2. Азиятингни изҳор қиласкерма.
3. Ўзингни оқлайверма.

*Суфён Саврий.*



2605. Нақднинг ози насиянинг кўпидан яхшиrok.  
«Унванул байан» китобидан.



2606. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жаноза намозида шундай дедилар: «Аллохумма, анта Роббуҳаа, ва анта холактаҳаа, ва анта ҳадайтаҳаа лил ислаам, ва анта қобазта руухаҳаа, ва анта аъламу бисирриҳаа ва ъалаанийтиҳаа, жиънаа шуфуъа’а фагfirлаҳу» (Аллоҳим, Сен унинг Роббисан, Сен уни яратдинг, Сен уни Исломга ҳидоят этдинг ва Сен унинг руҳини олдинг. Унинг сирию ошкорасини Ўзинг биласан. Биз унга шафөъ бўлиб келдик, унинг гуноҳларини кечир).

*Абу Довуд ривояти.*

وَيُزدَادُ الْإِقْبَالُ عَلَىِ الْإِسْلَامِ فِي الْغَرْبِ وَيَتَضَاعِفُ أَعْدَادُ الدَّاخِلِينَ فِيِ الْإِسْلَامِ كُلَّ يَوْمٍ رَغْمًا إِنْكَسَارِ شُوَكَةِ الْمُسْلِمِينَ وَتَفْرِقَهُمْ وَهُوَ أَمْرٌ غَيْرُ مُفْهُومٍ .. وَلَلَّهُ فِي ذَلِكَ حِكْمَةٌ فَهُوَ يَقِيمُ حِجْتَهُ عَلَىِ الْكُفَّارِ فَلَهُ سُبْحَانَهُ الْحَجَةُ الْبَالِغَةُ .  
وَانْتَشَارُ الْإِسْلَامِ وَالْإِقْبَالُ عَلَيْهِ فِي هَذِهِ الظَّرْفَاتِ هُوَ الْلَّامُعْقُولُ بَعْيَنِهِ وَهُوَ الْحَجَةُ الْبَالِغَةُ بَعْيَنِهَا وَهُوَ الْلَّمْسَةُ الْإِلَهِيَّةُ الْحَانِيَّةُ الَّتِي يَمْرُّ بِهَا عَلَىِ قُلُوبِ الْمُسْعِفَاءِ لِتَطْمَئِنَ .. وَكَانُوا يَقُولُونَ لِلْمُسْلِمِينَ الْمُذْهَلِيِّينَ .. أَنَا مَعْكُمْ فَلَا تَهْنُوا وَلَا تَضْعُفُوا وَأَنْتُمُ الْأَعْلَوْنُ .

**ػ. مصطفىٰ محمد**

2607. Мусулмонларнинг шон-шавкати синиб, кучсизланишига қарамай, Ғарбда Исломга кирувчилар сони кундан кунга ортиб бормоқда. Бу тушунарсиз ҳолат.

Бунда бир ҳикмат бор!

Аллоҳ Ўз ҳужжатининг мусулмон бўлмаганлардан устунлигини кўрсатиб қўймокда. Зоро, Аллоҳнинг ҳужжати етуқдир!

Ушбу оғир ҳолатда Исломнинг тарқалиши ва унга қизиқувчиларнинг кундан кунга ўсиб бориши ақлга зиддек кўринади. Аммо аслида бу етуқ ҳужжатдир, заиф қалбларга хотиржамлик улашувчи илоҳий раҳматдир. Гўёки Зот хорланган мусулмонларга: «Мен сизлар билан биргаман, хор бўлманглар, заифлашманглар, аслида сизлар олийсизлар» деяётгандек...

Эй Роббимиз! Ўзингдан бошқа илоҳ йўқ, Ўзинг олийсан!  
*Доктор Мустафо Маҳмуд*

استخراج المعلومات الخاصة عن داخل  
 الأسرة وأسرارها باستنطاق أطفالها  
 الصغار الأبرياء هو من التجسس المحرّم  
 وتتبع عورات المسلمين

### أمراض اجتماعية

2608. Ёш болани гапга солиб, унинг уйидаги сирларни билиб олиш ҳаром қилинган жосуслик бўлиб, мусулмонларнинг айини қидириш сирасига киради.



2609. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, бир ҳафтада икки кун овқатланиш тартибига жиддий амал қилиш вазн ошиб кетишининг ва кўқрак саратони касаллигининг олдини олишдаги, шунингдек қон босими, қанд касаллиги ва холестерин зиёда бўлиши билан боғлиқ касалликлардан сақланишдаги энг яхши воситадир. Набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари нафл рўза тутишни шариатга киритганлар. Ушбу набавий суннатга амал қилиш орқали тиббий фойдалар ҳам кўзга ташланмоқда.

Субҳаналлоҳ!




2610. Сўнгра шуни билгилки, дунё кўпинча нодонга юзланади, олимдан эса ҳақли равишда юз ўгиради.



2611. Восила ибн Асқаъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир мусулмоннинг жанозасида қўйидаги дуони ўқидилар: «**Аллоҳумма, инна Фулаан ибн Фулаан фий зимматик, ва ҳабли живаарик, фа қиҳии фитнатал қобри ва ъазаабаннаар, ва анта аҳлул вафғаа вал ҳамд. Аллоҳумма, фагfir лаху, варҳамху, иннака антал Ғофур Роҳийм**» (*Аллоҳум, Фалончининг ўғли Фалончи Сенинг зиммангда ва ҳимоянгдадир. Уни қабр фитнаси ва дўзах азобидан сақлагин. Сен вафо ва ҳамд аҳлисан. Аллоҳум, уни мағфират қил, унга раҳм қил, ахир Сен кечирувчи, раҳмли Зотсан*).

*Абу Довуд ва Ибн Можсалар ривояти.*




2612. Тоғли минтақалар хусусида фикр юритадиган бўлсак, ушбу тоғлар яқинида чучук ва мусаффи сув борлигини кўрамиз. Олимлар ҳам энг мусаффифи сув тоғлар остида эканини айтишади. Демак, чучук сувлар билан баланд тоғлар орасида алоқа борлиги келиб чиқади. Аллоҳ таолонинг китобида ушбу икки ҳолат орасида нозик боғлиқлик борлиги баён қилинган.

**«Яна Биз (ер устида) баланд тоғларни пайдо қилдик ва сизларни (ўша тоғлардан оқиб тушадиган) чучук, тотли сув билан суғордик» (Мурсалат сураси, 27-оят).**


**Савол:** Ушбу оят биз суратда кўриб турган манзарани нозик иборалар билан баён этмаяптими?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллям яшаган сахро мухитида бундай манзара бўлмаган-ку! Агар Аллоҳ томонидан юборилган пайғамбар бўлмасалар, у зот бу каби илмни қаердан олиб айтганлар?



2613. Ўз нафси билан бўлган курашда енгилган киши барча кураш майдонларида мағлуб бўлади!

*Мустафо Маҳмуд*



«فَارْسَلْنَا عَلَيْهِمْ رِيحًا وَجْنُودًا لَمْ تَرُوهَا»

ليس شرطاً أن ترى خطوات الفرج ،  
الفرج يسير إليك في الخفاء .. وأنت لا  
تشعر ..

2614. «Эй мўминлар! Аллоҳнинг сизларга берган неъматини — сизларга (қарши турли гурухлардан иборат) қўшинлар келган пайтида Биз уларнинг устига шамол ва сизлар кўрмаган қўшинларни (яъни фаришталарни) юборганимизни эсланглар!» (*Aҳзоб сураси, 9-оят*)

Кушойишнинг (яъни тушкунликдан очиқликка чиқишининг) келаётганини кўришинг шарт эмас, кушойиш сенга маҳфий ҳолда келади, сен уни сезмай қоласан.



2615. Донишмандлардан бири деди: «Киши ақлини ишлатмасдан топган мартабасига ва ҳеч бир фазилатсиз эгаллаган юксак манзилига хурсанд бўлмаслиги керак. Шубҳасиз, жоҳиллиги унинг бу мартабасини йўққа чиқаради, юксак манзилидан туширади. Унинг айблари юзага чиқиб, гуноҳлари кўпайиб, уни мақтовчилар танқидчига, дўстлари душманга айланганидан сўнг у ўз ўрнига тушади, асл қийматига қайтади».

*«Унванул байан» китобидан.*



2616. Тобутни кўрганда: «Субҳаанال ҳаййиллазий лаа йамуут» (Ҳаргиз ўлмайдиган, абадий тирик Зот Аллоҳ покдир), дейиш мустаҳабдир.



2617. Ёшлар ўзлари хоҳлагандек ҳаёт қуришда иштирок этмаса, бошқалар уларни ўзлари бунёд қилган ҳаётда яшашга мажбур қилишади.

*Mустафо Маҳмуд*



2618. Олимларнинг таъкидлашича, қуёш ҳар сонияда

миллион тонналаб ёқилғи ёқади. Шунга қарамай, у бугунги кунгача ёқилғисини сақлаб қолган ҳолда нурсизланиб бормоқда. Қуръон худди шу нарсага улкан бир оятда ишора қилиб, бизга Қиёмат куни ҳақида сўзлаган: «**Қуёш ӯралиб (нурсизланиб) қолганида...**» (*Таквир сураси, 1-оят*).

Ушбу оятда Қуёшнинг ниҳояси ҳақида нозик ишора бор. Маълумки, қуёш тўсатдан тўхтаб қолмайди. Бошқа махлуқотлар каби, унинг шуъласи аста-секин пасайиб, нурсизланиб бориб, ниҳоят сўлиб, якун топади. Бу оят илмий мўжизалардандир, чунки даҳрийлар Қуёш абадий, бардавом нур сочади, деб эътиқод қилишади. Қуръон бу илмий ҳақиқатни яқин ўтмишдаги уламолар кашф этишидан анча олдин кашф қилган!

Субҳаналлоҳ!



2619. Ҳеч қачон:

Буқанинг олд томонидан яқинлаша кўрма.

Эшакнинг орқа томонидан яқинлаша кўрма.

Аҳмоқ ва нодоннинг эса ҳеч қайси томонидан яқинлаша

кўрма!



2620. Агар бу дунёнинг мол-мулкидан катта бир улуш қаршинга келсаю, уни фақат жаҳолат билан қўлга киритиш мумкин бўлса ёки дунёнинг мол-мулкидан орзу қилиб юрганингни бой берсанг ва у ақлингни тамоман ўғирлаб қўйса, булар жаҳолатга рағбатингни қўзғаб қўймасин. Чунки жоҳилнинг бойлиги имкониятлардан, оқилнинг бойлиги эса мажбуриятлардан барпо бўлади. Тайёр имконият бериб қўйилган одам ҳеч қачон имкониятни одоб билан, бор куч-қувватни ишга солиб қўлга киритиш керак деб биладиган кишига тенг бўлмайди. Шунингдек, жоҳилнинг бойлиги мусофир каби кўчишга муштоқ бўлади, оқилнинг бойлиги эса мустаҳкам ришталар билан боғланган яқин қардошга ўхшайди.



2621. Тобутни кўрганда: Абулмаҳосин Равйоний «Баҳр» номли китобларида келтирганларидек,

«Лаа илааха иллаллоҳу ҳаййулلазий лаа یاموت», деб айтиб, сўнг маййитни яхшилик билан эсланади ва унинг ҳаққига дуо қилинади.



2622. Бу кеча ва кундуз бир-бирига киришадиган

минтақанинг сурати бўлиб, суратда уларнинг орасини ажратувчи чизиқ кўриниб турибди. Мана шу чизиқ тушган пайтда зулмат билан нурнинг орасида бир-бирига киришиш жараёни юзага келади.

Биласизми, ер ўз ўқи атрофида, қуёш қархисида туриб айланганида кеча ва кундуз бардавом шаклда бир-бирига киришади. Ушбу жумбоқли кўриниш хусусида Қуръон ўн тўрт аср олдин хабар берган: «**У кечани кундузга киритур, кундузни кечага киритур. У Зот кўксалардаги нарсаларни Билгувчидир**» (*Ҳадид сураси, 6-оят*).

Субҳаналлоҳ!



2623. Йиғи ҳам керак, лекин у ечим эмас!



2624. Шу икки дуони асло тарк қилмагин:

**«Аллоҳим, мени динда факих қилгин»**

**«Роббимиз, бизни ҳидоят қилганингдан сўнг қалбларимизни оғдирмагин ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ҳадя этгин. Албатта, Сен Ўзинг кўплаб ҳадя этувчисан!» (Оли Имрон сураси, 8-оят)**

Биринчиси ҳаёtingни динга тўлдириб юборади.

Иккинчиси динда мустаҳкам туришга ёрдам беради.



2625. Донишмандлардан бири шундай деди: «Энг ҳурматли бойлик яхшиликдир, энг яшнаб ўсадиган экин эҳсондир. Сени ислоҳ қилмайдиган илм залолатдир, сенга фойда бермайдиган мол заардир».

«Унванул байан» китобидан.



2626. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам майитни қабрга қўяётганларида **«Бисмиллаахи ва ъалаа суннати Росулиллаах»** (Аллоҳнинг исми билан, Расулуллоҳнинг суннатларига мувоғик) дер эдилар.

*Абу Довуд, Термизий, Байҳақийлар ривояти.*

(Бошқа ривоятда «ъалаа суннати»нинг ўрнига **«ъалаа миллати»** ҳам дейилган)



الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعٰالَمِينَ  
إِنَّ لِكُلِّ أُمَّةٍ فِتْنَةً  
وَفِتْنَةً أَمْتَيْ أَطْلَالَ

2627. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

**«Ҳар бир умматнинг ўз фитнаси бўлган, менинг умматимнинг фитнаси мол-дунёдир».**

*Ином Аҳмад ривояти.*



2628. Куръон бизга сўзлаган Аллоҳнинг улкан мўъжизаларидан бири инсоннинг тупроқдан яратилганлигидир. Замонавий илм-фанинг исботлашича, инсон таркиб топган элементларнинг барчаси тупроқда ҳам мавжуд экан. Мана шу ерда Аллоҳ таолонинг бу ҳақдаги сўзи намоён бўлади.

**«У Зот сизларни (яъни отангиз Одамни) тупроқдан яратгани, сўнгра сизлар башарга айланиб (ер юзига) таралишларингиз У Зотнинг (илоҳий қудратига далолат қилувчи) оят-аломатларидандир» (Рум сураси, 20-оят).**

**«(Қасамки), Биз инсонни (яъни Одам алайҳиссаломни) лойнинг мағзидан яратдик» (Мўъминун сураси, 12-оят).**

**Изоҳ:** «Лойнинг мағзи»дан муород лой, ер жинсидаги барча моддалардир.

Илм-фанинг исботлашича, лой – тупроқ ва сувдан

иборатдир, чунки Аллоҳ таоло бошқа бир оятда инсонни фақат сувдан яратилғанлигини айтган. Аллоҳ таоло шундай дейди: «**У сувдан башар яратган ва уни насл-насаб, қуда-анды қилиб қўйган Зотдир. Роббинг қодир бўлган Зотдир**» (*Фурқон сураси, 54-оят*).



2629. Иблисдан: «Сен намоён бўладиган энг хатарли иш нима?» деб сўрадим. У шундай деди: «Бизнинг асосий ишимиз одамларга Аллоҳ ҳақида хато тушунча беришdir, шундай қилсак, улар Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлишади. Мен намоён бўладиган энг гўзал амал – ёш болаларга динни оғир қилиб кўрсатиш, қийин йўл билан дарс беришdir. Биласанми, мактабларингизда ишлашимиз учун жуда кўп имконият яратиб берасизлар».

*Аҳмад Баҳжат.*



2630. Орияtingни ҳимоя қилмасанг, Яратувчидан кўрқмасанг, халойикдан уялмасанг, ҳоҳлаганингни қилавер. «Унванул байан» китобидан.



2631. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ менинг навбатимдаги кеча охирида Бақийъ қабристонига чиқиб, шундай дер эдилар: «Ассалааму ъалайкум, дааро қовмин

му`минийн! Ва атаакум маа тууъадуун, ғодан муажжалууна ва иннаа иншааллоху бикум лааҳиқуун! Аллохуммағfir лиаҳли Бақийъил ғорқод» (Ассалому алайкум, эй мүмин қавмлар ҳовлisisi! Сизларга ваъда қилинган нарса келди, иншааллох, эртага кечикиб бўлса ҳам, сизларга йўлиқамиз. Аллоҳим, Бақийъ гарқад қабристонидагиларни мағфират қилгин)

*Имом Муслим ривояти.*



د أحمد عيسىي المعصراوي

حتى تكون أسعد الناس : عش مع القرآن  
حفظاً وتلاوة وسماعاً وتدبراً فإنه من أعظم  
العلاج لطرد الحزن والهم .

2632. Энг баҳтли одам бўлай десанг, Қуръонни ёд ол, тиловат қил, тингла, тафаккур қил. Мана шу ғам-ташвишни бартараф қилувчи энг улкан муолажадир.



2633. Энг яхши ҳадя – ҳадя берилаётган кишида йўқ бўлган нарсадир. Шундан келиб чиқиб, Аллоҳга бериладиган энг яхши ҳадя – ожизликни изхор қилишдир, чунки

Аллоҳнинг ҳузурида ожизлик йўқдир!



2634. Солиҳлардан бири шундай деди: «Ким ахли-оиласи ва фарзандларига ҳақни ўргатмаса, ботилни ўргатувчилар етиб келади».



2635. Ким бошлиқ бўлишни хоҳласа, сиёсатнинг ғам-аламлариға сабр қилсин.  
«Унванул байан» китобидан.



2636. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Эй Аллоҳнинг Расули, қабрларни зиёрат қилганимда нима дейин?» деб сўрадим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Ассалаamu ъалаа аҳлид-дийаари минал муъминийна вал муслимиин! Ва йарҳамуллоҳул мустақдимийна минкум ва миннаа валмустаъхирийн! Ва иннаа иншааллоҳу бикум лааҳиқуун», дегин» (*Мўмин-мусулмонлар диёри аҳлига салом бўлсин! Аллоҳ сизлардан ва бизлардан олдин ўтганларга ва кейин келадиганларга раҳм қилсин. Иншааллоҳ, биз ҳам сизларга йўлиқурмиз*)

*И мом Муслим ривояти.*

أثبتت دراسة حديثة أن الاستيقاظ المبكر قبل طلوع الشمس، بطيء العمر ويزيد من نشاط الحالياً ويحسن مدارك الإنسان وقدراته العقلية. ويقول العلامة إن النوم لمدة ست ساعات من الساعة 10 مساءً حتى الساعة 4 صباحاً يكافئ نوم 12 ساعة من ساعات النهار، وسيحثان الله، لقد أمرنا رسول الله صلى الله عليه وسلم بالاستيقاظ المبكر لصلوة الصبح .. والله تعالى أشار إلى أهمية الليل وأنه وسيلة للنوم المثالي المريح وكأنه لباس للإنسان يحميه من المشاكل النفسية والجسدية. يقول تعالى: (وَهُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ اللَّيْلَ لِتَاسِأَ وَالنَّوْمَ سُبَّاً وَجَعَلَ النَّهَارَ نُشُورًا) (الفرقان: 47).



أسرار الإعجاز العلمي في القرآن والسنة - موقع مجاني يتسع لغير www.kaheel7.com

2637. Замонавий илм-фаннинг тасдиқлашича, қуёш чиқишидан олдин барвақт уйғониш умрни узайтиради, хужайралар фаолиятини жонлантиради, инсон ақл-идроқини яхшилайды. Олимларнинг таъкидлашича, кечаси соат 22 дан тонгги 04 гача олти соат ухлаш кундузги 12 соат уйқуга тенг келади.

**Субҳаналлоҳ!**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдод намози учун барвақт уйғонишга буюрганлар. Аллоҳ таоло тунги уйқунинг аҳамиятли экани ҳамда роҳатбаҳш ва намунали уйқуга восита экани, тунги уйқу инсон учун гүё либос бўлиб, уни нафс ва танадаги муаммолардан ҳимояловчи эканига ишора қилган:

**«У Зот – сизлар учун кечани бир либос, уйқуни эса бир ором қилиб қўйган, кундузни эса (сизлар учун) қайта тирилиш қилган Зотдир» (Фурқон сураси, 47-оят).**



2638. Кўзни (номаҳрамларга қаратишдан) тийиш орқали қалб кучли ва шод бўлади. Номаҳрамларга назар солиш орқали қалб заифлашиб, маҳзун бўлади.



2639. Мол-дунё бойларнинг камчигини яшириб туради. Камбағаллик эса камбағалларнинг фазилатини ёпиб туради.  
*Али ибн Абу Толиб.*



2640. Қариндошлиқ ришталари боғлангандан кейинги узилиш, мөхрибонликдан кейинги жафо, дўстликдан кейинги душманлик нақадар ёмон!  
 «Унванул байан» китобидан.



2641. Бугунги олимларнинг тадқиқотларида кашф қилинишича, ҳаммадан ажралиб, ёлғиз яшаган чумоли барвақт вафот этади, ҳаёти ҳам изтиробда ўтади. Бундан ташқари, ҳайвонот оламида ҳаммадан ажралиб яшаш касаллик ҳисобланади. Ҳатто инсоният оламида ҳам узлатда,

яъни одамлардан ажралиб яшаган киши барвакт вафот топади. Аксинча, ижтимоий ҳаётни севган киши узок яшайди. Шунинг учун олимлар узлатнинг хатаридан огоҳ этадилар.

**Субҳаналлоҳ!**

Набиийимиз Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қуидаги сўзларида бизни худди шу нарсадан огоҳ қилганлар:

**«Одамларга аралашиб, уларнинг озорлариға сабр қилган мўминнинг савоби одамларга аралашмай, уларнинг озорлариға сабр қилмаган кишининг савобидан улканроқдир».**

*Ибн Можса ривояти.*



2642. Илгари қўлга киритмаган нарсангга эришиш учун илгари қилмаган ишларингни қил!



د.أحمد يحيى المصراوى

لصوص شهر رمضان  
التلفاز  
والهاتف  
والأسواق  
وال المجالس التي يذكر فيه النمية والشهر

**مسد المغاربي**

2643. Рамазон ойининг ўғрилари:

- Телевизор.
- Телефон.
- Бозорлар.
- Тунни чақимчилик ва шунга ўхшаш нарсалар билан бедор ўтказиш.



2644. Ботининг, яъни ички дунёинг покиза бўлса, Аллоҳ билмаган томонингдан нур ато қилади. Одамлар сени билмаган томонингдан яхши кўриб қолишади. Дуо ва талабларинг билмаган томонингдан ижобат бўла бошлиайди.

Қалбларимизни розилигинг билан поклагин, Аллоҳим!



2645. Одамларнинг энг афзали – ўзининг айбини кўрадиган, бошқаларнинг айбини кўрмайдиганлардир. «Унванул байан» китобидан.



2646. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабристонга чиқиб, шундай дер эдилар: «**Ассалаamu ъалайкум, дааро қовмин мұмнийна ва иннаа ишааллоҳу бикум лааҳиқуун»** (*Ассалому аляйкум, мүмин қавмлар диёри! Аллоҳ хоҳласа, бизлар ҳам сизларга қүшиламиз*)

*Абу Довуд, Насаий, Ибн Можалар ривояти.*



2647. Валийлар ўч олмайди, ўч оловчилар валий бўлмайди.



د.أحمد عيسى المصراوي

قال أحد السلف :

إذا عصيت الله في مكان  
فلا تفارقه حتى تعمل فيه طاعة  
ليشهد لك كما شهد عليك

"يومئذ تحدث أخبارها"

2648. Салафлардан бири шундай деди: «Бир маконда Аллоҳга нисбатан гуноҳ қилсанг, то ўша ерда тоат қилмагунингча у ердан кетмагин, шунда ўша жой зарарингга гувоҳ бўлганидек, фойдангга ҳам гувоҳ бўлади».

«Ана ўша Кунда Парвардигорингиз унга (Ерга) вахий қилиб, сўзлашга буюргани сабабли у ўз хабарларини сўзлар!» (*Залзала сураси, 4-5-оятлар*)

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ернинг хабарлари нима эканлиги ҳақида шундай дедилар: «Ернинг хабарлари — ҳар бир эркагу аёл унинг устида қандай амал қилган бўлса, барчасини Аллоҳ таолонинг ҳузурида сўзлаб, гувоҳлик беришидир».



2649. Ҳавода сузib юрган ушбу кичик булутнинг вазни билмаймиз. Лекин ҳисоб-китоблар унинг вазни 500 минг килограммдан ортиқ эканини кўрсатди. У жуда ҳам оғир, лекин бошимиз устида енгилгина сузib бормоқда. Илмий ҳақиқат шуни таъкидлайдики, ўша оғир булут биз тасаввур қилгандан кўра анчагина кўпdir. Қуръони Карим ушбу ҳақиқат ҳақида ўн тўрт аср олдин хабар берган:

«У шундай Зотки, (момақалдироқдан) қўрққан ва (ёмғир ёғишидан) умидвор бўлган ҳолингизда сизларга чақмоқни

күргизур ва вазмин булутларни пайдо қилур» (*Раъд сураси, 12-оят*).



2650. Ношукрликка одатланиш эҳсонни кесади.  
«Унванул байан» китобидан.



2651. Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина аҳли қабристонидан ўтаётиб шундай дедилар: «**Ассалаamu ъалайкуm, йаа аҳлал қубуур! Йағфируллоҳу ланаа ва лакум. Антум салафунаа, ва нахну бил асар»** (*Ассалому алейкум, эй аҳли қабр! Аллоҳ бизни ҳам, сизни ҳам мағфират қилсин. Сизлар биздан олдин кетдинглар, бизлар изингиздан етиб оламиз*)

*Имом Термизий ривояти.*

قصة  
امرأةٌ كَانَ زُوْجَهَا يَسَافِرُ كَثِيرًا فَكَانَتْ تَخَافُ عَلَيْهِ  
وَعَلَى أَوْلَادِهَا مِنَ الْفَقْتَةِ.  
وَذَاتِ يَوْمٍ قَالَ لَهَا زُوْجُهَا: يَحْدُثُ مَعِي أَمْرٌ غَرِيبٌ،  
شِيْ يَمْنَعُنِي عَنِ الْحَرَامِ مِنْ نَظَرٍ أَوْ مَكَالَمَةٍ أَوْ غَيْرِهَا.  
وَيَوْمٌ آخَرَ أَتَاهَا ابْنَاهَا الْكَبِيرُ وَسَالَهَا: أَمِّي، مَاذَا تَدْعُ  
لِي؟! أَنَا عَنْدَمَا أَذْهَبَتْ مَعَ أَصْحَابِي عَنْدَ مَدَارِسِ  
الْبَنَاتِ قَلْبِي يَنْقِبِضُ، فَأَرْجِعُ. وَيَعْطِينِي أَصْحَابِي  
أَرْقَامَ بَنَاتٍ وَإِذَا اتَّصَلْتُ أَحَسْ بِضِيقٍ لَا يَزُولُ إِلَّا إِذَا  
فَطَغَتِ الاتِّصالُ، وَهَنْتِ وَأَنَا جَالِسٌ وَحْدَيْ عَلَى النَّتْ  
هَنَّاكَ شِيْ يَمْنَعُنِي عَنِ الْحَرَامِ حَتَّى لَوْ نَظَرَةٌ.  
فَأَخْبِرُهُمْ أَنَّهَا بَعْدَ كُلِّ صَلَاةٍ تَدْعُو بِهَذَا الدُّعَاءِ:  
«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْتَوْدُعُكَ دِينِي وَأَمَانَتِي وَذَرِيَّتِي  
وَزَوْجِي وَقَلْبِي وَقَلْبُ ذَرِيَّتِي وَقَلْبُ زَوْجِي وَسَمْعُهُمْ  
وَأَبْصَارُهُمْ وَجَمِيعُ جَوَارِحِهِمْ

## 2652. Қисса:

«Бир хотиннинг эри жуда кўп сафар қиларди. Шунинг учун у эри ва фарзандларининг фитнага тушиб қолишидан қўрқар эди. Бир куни эри унга: «Галати ишлар бўляпти. Масалан, ҳаром нарсаларга қараш, номахрамлар билан гаплашиш ёки шунга ўхшаш шариат ман қилган нарсалардан мени нимадир тўсяпти», деди.

Бошқа куни катта ўғли келиб, «Ойижон! Менга нима деб дуо қиляпсиз? Курсдошларим билан қизлар коллежига борсам, юрагим сиқилиб, қайтгим келади. Курсдошларим қизларнинг телефон рақамини беришса, ўша қизлар билан телефонда гаплашганимда юрагим шунақангি сиқиладики,

гапни тугатмагунимча ёзилмайди. Ёлғиз ўзим интернетда ўтирсам ҳам, нимадир мени ҳаромга қарашдан түсади», деди.

Шунда она ҳар намоз кетидан қуйидаги дуони ўқишини айтди: «**Аллохумма، инний аставдиъука дийний ва амаанатий ва зурриятый ва завжий، ва қолбий ва қолби зуррийятый ва қолби завжий ва самъихим ва абсориҳим ва жамииъи жаваариҳим**» (*Аллоҳум! Динимни, омонатимни, фарзандларимни, эримни, қалбимни, фарзандларимнинг қалбини, эримнинг қалбини, уларнинг қулогини, кўзларини ва барча аъзоларини Ўзингга топширдим*).



2653. Ижтимоий зулмнинг энг ёмони – тарбияси ёмон ўғилга солиҳа келин қидиришdir.



2654. Эркак эркакларнинг ёмонлигини билгани учун хотинини rashk қиласи. Хотин аёлларнинг макр-хийласини билгани учун эрини rashk қиласи.



2655. Самимий дўстинг маломат қилмасидан аввал, нафратини ичига яшириб юрган душманинг мазаммат қилмасидан аввал хунук феълларинг, ёмон сўзларинг учун ўзингни ўзинг маломат қил.

«Унванул байан» китобидан




2656. Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабристондан чиқаётганда шундай дейишни ўргатар эдилар: «Ассалаamu ъалайкүм, ахлад-дийаари минал му'минийн! Ва иннаа иншааллоҳу бикум лаахиқуун, ас`алуллоҳа ланаа ва лакумул ъаафийа» (Assalamu alaykum, muminlar diyeri aҳli! Инишааллоҳ, бизлар ҳам сизларга қўшиламиз. Ўзимизга ҳам, сизларга ҳам оғият сўрайман)

*Имом Муслим ривояти.*



2657. Ота-онага яхшилиқ қилиш бир қисса бўлиб, у хикояни сен ёзасан, фарзандларинг уни сенга айтиб юришади.



2658. Умар розияллоҳу анхунинг сўзларидан:  
«Ҳикмат ёшга боғлиқ бўлмайди. У Аллоҳнинг тухфаси бўлиб, хоҳлаган кишисига бераверади».



2659. Олимларнинг хабар беришича, ўргимчакнинг илларини 40 фоизгача чўзса ҳам узилмас экан. Энг мустаҳкам пўлат ип ҳам узунлигининг 8 фоизидан ортиқ чўзила олмайди. Ўргимчакнинг иллари шу қадар нозик бўлса ҳам, ундан ўргимчак уй қуради. Лекин бу уй жуда нимжон бўлиб, бироз эсан шамол ёки об-ҳаводаги омиллар сабаб ҳам бузилиб кетаверади. Шунинг учун бу уй мустаҳкам бўлмайди, жуда бекарор бўлади. Қуйидаги оятда даҳрийни энг нозик уй бўлмиш ўргимчак уйига ўхшатишда илоҳий ташбех кўзга ташланади:

**«Аллоҳдан ўзга «дўстлар»ни лозим тутган кимсаларнинг мисоли худди (ўзи учун нимжон) уй қуриб олган (ва ўша уйидан паноҳ истаган) ўргимчакка ўхшайди. Ваҳоланки энг нимжон уй ўргимчак уясиdir. Қанийди улар билсалар... (ўргимчак уяси каби ожиз бутлардан паноҳ истамаган бўлур эдилар)».**

*(Анкабут сураси, 41-оят)*

Ушбу хақиқат қаршисида «Субҳаналлоҳ!» дейишидан үзга чора йўқ!



2660. Сен бировга яхшилик қилсанг, буни яширгин.  
Бирор сенга яхшилик қилса, буни ошкор қилгин.  
«Унванул байан» китобидан.




2661. Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:


«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабристонга чиқсалар, шундай дейишни ўргатар эдилар: «Ассалааму ъалайкум, ахлад-дийари минал му'минийн! Ва иннаа иншааллоҳу бикум лалааҳиқуун! Ас`алуллоҳа ланаа ва лакумул ъаафийа» (*Ассалому алайкум, мүминлар диёри ахли!* *Иншааллоҳ, бизлар ҳам сизларга қўшиламиз.* Ўзимизга ҳам, *сизларга ҳам оғият сўрайман*)

*Имом Муслим ривояти.*

*Насаий ва Ибн Можаларнинг ривоятида «Антум лана фаротун ва наҳну лакум табаъун»* (*Сизлар биздан олдин ўтдингиз. Бизлар эса сизларга эргашувчимиз*) лафзи зиёда қилинган.



2662. Ортидан дўзах келадиган лаззатда яхшилик йўқдир!



2663. Муваффақиятни қўлга киритиш учун ютуқقا бўлган рағбат муваффақиятсизликка учрашдаги хавфдан каттароқ бўлиши керак!



#### 2664. Биласизми?

Фаҳш ва беҳаё фильмларни томоша қилишга одатланиб қолиш мия ҳужайраларини барбод қилади. Яланғоч аёлларга қараш миянинг қарор қабул қилишга масъул бўлган ҳужайраларига талафот етказади. Фаҳш фильмлар томоша қилиш хотирани заифлаштиради, соғлом қарор қабул қилишга салбий таъсир кўрсатади, нафс ва жасадга муаммо туғдиради.

Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган: «(Эй Мұхаммад алайхиссалом!) **Мўминларга айтинг, кўзларини** (номаҳрам аёлларга тикишдан) **тўссинлар ва авратларини** (ҳаромдан) **сақласинлар!** Мана шу улар учун энг тоза(йўл)дир. Албатта, Аллоҳ улар қилаётган «хунар»лардан **Хабардордир!**» (*Нур сураси, 30-оят*).



2665. Улуғларни менсимаган одам ўзининг асли пастлигини билдириб қўйган бўлади. Аҳмоққа ёндашган одам ақли заифлигини ошкор қилган бўлади. Ҳадеб ҳажв қилаверган кишининг қадри тушади, ман этилган ишни қилган кимса хунук сўзлар билан эсга олинади.

*«Унванул байан» китобидан.*



2666. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи вассаллам Бақийъ қабристонига келиб, шундай дедилар: «Ассалаamu ъалайкуm, даро қовмин му`минийн! Антум ланаа фаротун ва иннаа бикум лааҳиқуун! Аллоҳумма, лаа таҳrimnaa ажроҳум ва лаа тузилланаа баъдаҳум» (Ассалому алайкуm, мүmin қавмлар диёри! Сизлар биздан олдин кетдингиз, биз ҳам сизларга қўшилурмиз. Аллоҳум, бизни уларнинг ажридан маҳрум қилма ва улардан кейин бизни адаштирма)

*Ибн Сунний ривояти.*

Қабрларни зиёрат этган одам кўп Қуръон ўқиб, зикрлар айтиб, қабристондаги бошқа мусулмонларни ҳам дуо қилиши мустаҳабдир.

مرض أحد التابعين ،  
فَلَمَّا زَارَتْهُ أُمُّهُ قَامَ قَلْبُسُ وَتَأْنِقُ كَانَ لَا يَأْسُ بِهِ !  
فَلَمَّا خَرَجَتْ سَقْطٌ مُغْشِيًّا عَلَيْهِ ?  
فَقَيلَ لَهُ : كَنْتَ مَعَهَا وَمَا بِكَ شَيْءٌ فَمَا أَصَابَكَ ؟  
فَأَجَابَ :

إِنْ أَنْبِيَاءُ الْأَنْبَاءِ  
يَعْزِزُ قُلُوبَ الْأُمَّهَاتِ

2667. Тобеъинлардан бири бетоб бўлиб қолди. Онаси у кишини кўргани келган эди, бетоб ётган одам кийимларини кийиб, ҳеч нарса бўлмагандек ҳушёр тортиб қолди, аммо онаси чиқиб кетганидан кейин эса ҳушидан кетиб йиқилди. У кишига: «Онангизнинг ёnlарида ҳеч нарса бўлмаган эди. Энди нима бўлди?» дейишиди. У киши: «Фарзандларнинг оҳ-воҳ тортиши оналар қалбига озор беради», деб жавоб берди.



كان السلف إذا قيل  
لأحدهم :  
اتق الله جلس يبكي من  
خشية  
الله عز و جل ...  
و إذا قيل لنا ( اتق الله )  
استنكرنا  
وقلنا : ماذَا فعلنا نحن  
. . .  
" السلف عالم مختلف " ،

2668. Солих салафлардан биририга «Аллоҳдан қўрқ!» деб айтилса, Аллоҳ таолодан қўрққанидан йиғлаб юборар эди. Бизга «Аллоҳдан қўрқ!» дейишса, ҳайрон бўлиб, «Биз нима қилибмиз?» деймиз!

Солих салафлар бутунлай бошқача олам бўлишган!